O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши мин-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 46 (152)-сон, 2006 йил 23 ноябрь | www.21asr.com

МУНОСАБАТ

3 Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партиялар ўрнининг юксалиши мамлакатдаги барқарорликни янада мустаҳкамлайди



ИҚТИСОДИЁТ

5 Бир кунда ўрта ҳисобда **15 мингдан** зиёд кредит операциялари тўғрисида маълумот ахборот базасига киритилмоқда

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

7 Генри Киссинжер Ироқдаги ҳарбий кампания мағлубиятга учраётганини эътироф этди.

Солих ЗОҲИР олган суратлар

"OSIYO BATAREYA" Ўзбекистон-Туркия қўшма компанияси 2000 йили ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятининг дастлабки даврида Туркия, Эрон ҳамда МДҲ мамлакатларидан маҳсулот олиб келиб сотар эди. Компания тижорат ишларини олиб бориш билан бирга ўзининг ишлаб чиқаришини ҳам йўлга қўйди ҳамда 2002 йилдан енгил автомашиналар учун аккумуляторлар тайёрлаб бера бошлади. Эндиликда бундай маҳсулотнинг барча турларини, шунингдек, ПВХ пластиклари, полимербетон ва полимердан санитария-техника буюмлари, совуқ ва иссиқ сув учун пластик қувурларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. 2003 йилдан буён корхона тамғаси босилган маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

Компаниянинг товар айланмаси 2002 йили 120000, 2005 йил эса 1200000 АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 2100000 АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда. Унинг маҳсулотлари қатор кўргазмаларда совринлар, шунингдек, бу йил Парижда бўлиб ўтган "World Quality Commitment Award" бутунжаҳон конвенциясида сифат бўйича олтин медаль билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

21-22 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённома"ни (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун депутатларга Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш учун солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин қонун қабул қилинди.

"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов томонидан тақдим этилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар. Бу таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун қабул қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон хориж нигоҳида

«Ўзбекистон танлаган йўл бошқалар учун андоза бўлиши мумкин»

ЎТАЁТГАН ҲАФТАДА ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СИЕСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР, ТАҲЛИЛЧИЛАР НИГОҲИ БИЛАН ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ТАРТИБИДА КИРИТИЛГАН ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАРҲЛАЙ БОШЛАДИЛАР. БУ ЎЗБЕКИСТОННИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ, ДЕЯ БАҲОЛАНМОҚДА

Россия Сиёсий тадқиқотлар институти директори, Жамоат палатаси аъзоси Сергей МАРКОВнинг фикрича, бу лойиҳалар демократия йўлидаги собитқадамликдан далолатдир.

— Бугунги кунга келиб, — деб ёзади муаллиф, — Ўзбекистон хориждаги айрим сиёсий кучларнинг ўз ғоялари, тараққиёт моделлари ва турмуш тарзини тиқиштиришга қаратилган уринишларини бартараф этишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги ички барқарорлик шароитида мамлакат босқичма-босқич демократлаштириш йўналишида сиёсий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Биринчидан, Ўзбекистонда маҳалла даражасида ўзини ўзи бошқаришнинг ўзбекча шакли тез ривожланмоқда. Иккинчидан, партиялар қурилиши жадал олиб борилиб, мамлакатда сиёсий партиялар фаолиятига тобора кенгроқ ўрин берилмоқда.

Мамлакат барқарорлиги турли сиёсий институтларга асосланиши лозимлигига Ўзбекистон Президентининг ишончи комил. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш билан шахсан шуғулланмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд бўлган муаммоларга дуч келаяпти. Бундай муаммолар қадриятлар нисбати, демократия тамойилларини барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётни жадаллаштириш вазифалари билан уйғунлаштиришга уринишдан иборатдир. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ана шундай қадриятларни бирга қўшган ҳолда ўзининг ривожланиш йўлидан бормоқда.

Давоми 2-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

УЧ ПРЕЗИДЕНТ УЧРАШУВИ

Келаётган дам олиш кунлари Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажоднинг таклифи билан Сурия ва Ироқ раҳбарлари Теҳронга ташриф буюришлари кутилмоқда. Улар Эрон танглигини ҳал этиш масаласида уч томонлама саммит ўтказадилар. Бундай учрашувни ташкил этиш имконияти Дамашқ ва Бағдод чорак аср муқаддам узилиб қолган дипломатик муносабатларни тиклашга қарор қилганидан кейин пайдо бўлди. Мана шу воқеалар фонида расмий Вашингтон Сурия ва Эроннинг Ироқдаги дипломатик фаоллиги кучайиб бораётганидан ниҳоятда ташвишдадир.

Кечаги кун оқшомида маълум бўлишича, Эрон пойтахтига ташриф буюришга ҳозирча фақат Талабоний розилик берган. Унинг расмий вакили Камаран Қорадагий ўтган душанба куниёқ баёнот бериб, Ироқ президенти Теҳронда фақат Аҳмадинажод билан учрашади, деб айтган эди. Айни пайтда у Талабоний Сурия раҳбари Башар Асад билан Дамашқда музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини қўшимча қилган. Аммо учрашувнинг аниқ санаси ҳозирча номаълум. Ироқ ташқи ишлар вазири Ҳошиёр Зиборий ҳам суриялик ҳамкасби Валид Муаллим билан Бағдодда учрашганидан кейин шундай фикр билдирди. Уларнинг учрашуви чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар расман тикланди.

ҚАРОҚЧИЛАР ВА АНҚОВ СОҚЧИЛАР

Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда АҚШ президенти қизи Барбара Бушнинг қимматбаҳо буюмларини ўғирлаб кетишди, деб хабар тарқатди 22 ноябрь куни Американинг ABC телекомпанияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг материалларига асосланиб. Телекомпания маълумотларига қарагандa, можаро Барбара Буш ўзининг Аргентинага икки ҳафталик сафари биринчи кунида синглиси Женна билан Сан-Тельмо туманидаги ресторанда овқатланаётганида рўй берган. Унинг сумкаси ва мобиль телефонини ўмариб кетишган. Телекомпания тасдиқлашича, ўғирлик содир бўлган пайтда Барбара Бушни АҚШ махфий хизмати ходимлари кузатиб туришган эди. Аммо улар ҳеч нарсани сезмай қолишган. Махфий хизматнинг матбуот хизмати ва АҚШ биринчи хоними Лора Бушнинг аппарати рўй берган воқеани шарҳлашдан бош тортмоқда.

21 ноябрь куни Аргентинанинг Infobae ахборот агентлиги Буэнос-Айресдаги Сан-Тельмо сайёҳлик марказида Жорж Бушнинг қизи Женнага ҳужум қилингани ҳақидаги хабарни тарқатди. Номаълум ёш йигит унинг қўлидан сумкасини тортиб олмоқчи бўлган, аммо зарба егач, жиноят жойидан қочиб қолган. Жабрланувчи полицияга мурожаат қилмаган.

Infobae маълумотига кўра, ҳужум 2006 йил октябри ўртасида содир этилган. Бироқ Америка маъмурлари илтимосига кўра, бу воқеа журналистлардан яширилиб келинган, деб хабар беради "Новости" РИА.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

МАҲАЛЛА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЎЧОҒИГИНА ЭМАС, БАЛКИ УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУМКИН БЎЛГАН АСОСИЙ ТАЯНЧ НУҚТАМИЗ ҲАМДИР.

Қўқон шаҳар ҳокими Ҳаётхон Каримов "XXI asr" мухбири саволларига жавоб беради

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 21 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1	Австралия доллари	948,84	1	Миср фунти	216,20	1	Польша злотийси	416,89	10 Жанубий Корея вони	13,20
1	Англия фунт стерлинги	2338,02	1	Исландия кронаси	17,59	1	СДР	1828,65	10 Япония иенаси	104,68
1	Дания кронаси	212,58	1	Канада доллари	1077,79	1	Туркия лираси	854,33	1 Россия рубли	46,26
1	БАА дирҳами	336,11	1	Хитой юани	156,92	1	Швейцария франки	992,76	1 Украина гривнаси	244,46
1	АҚШ доллари	1234,50	1	Малайзия ринггити	338,68	1	ЕВРО	1584,60		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ДАВЛАТ ва жамият қурилишини либераллаштиришдаги асосий йўналиш қонун устуворлигини таъминлашдир

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

"Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2411-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М.Махаметова "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида депутатларга ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Раҳимов тақдим этди. Моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қонунни қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жумаев ахборот берди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қатнашган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси П.Жўраевнинг тақдимига биноан "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини муҳокама қилиб ва маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов ахборот берди. Савол-жавоблар ва мазкур ҳужжат асосий қоидаларининг атрофлича муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси М.Маҳкамов тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон "Import shop Berlin 2006" кўргазма-савдосида

Германия пойтахтида жойлашган дунёнинг йирик кўргазма марказларидан бири — "Messe Берлин"да "Import shop Berlin 2006" деб номланган халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг йиллик кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.

"Import shop Berlin 2006" турли мамлакатлар ҳунармандлари яратган санъаткорона меҳнат намуналарини мухлисларнинг кенг доирасига тақдим этиш, турфа халқларнинг ранг-баранг маданияти билан кўпчиликни таништириш, соҳа кишилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда тажриба алмашишга имкон яратадиган нуфузли ва ўзига хос халқаро анжуман ҳисобланади.

Жорий йили "Import shop Berlin 2006"да дунёнинг 60 мамлакати вакиллари қатнашди. Кўргазманинг 500дан зиёд бўлмаларида сопол, табиий тери, ёғоч, чинни, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. Уларнинг барчаси халқ усталарининг моҳир қўллари билан яратилган. Тадбирга келувчиларнинг сони 40 минг кишидан ошди.

Тадбирда Ўзбекистон вакили — "Нигористон" бирлашмасининг моҳир устаси Қаҳрамон Шоисломов ҳам иштирок этди. Юксак дид билан безатилган Ўзбекистон бўлмасида ипак буюмлар, зардўзлик, рангли сопол маҳсулотлари, миниатюра ва халқ амалий санъатимизнинг турли-туман намуналари намойиш этилди. Улар нафақат тадбирга ташриф буюрувчиларда, балки ўзбек халқининг бой тарихи, санъати ва урф-одатлари билан қизиқувчи мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

"Жаҳон" АА
Берлин

ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Фермер хўжаликларини ташкил этишда ҳалоллик асосий мезондир

O'ZLIDEP АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҲАМДА ЎЗФХУ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИДА АНА ШУНДАЙ ҚАРОРГА КЕЛИНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда ўз электоратининг катта қисмини ташкил этувчи фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, улар олдида турган муаммолар ечимини излаш ва ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўз мухбиримиз

Шу мақсадда жойларда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг қўшма йиғилишлари ўтказилмоқда. Андижон шаҳрида бўлиб ўтган партия вилоят кенгаши ва Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали кенгашининг йиғилишида ҳам айнан фермерларнинг бугунги аҳволи, вилоятдаги ширкат хўжаликларини тўлиқ фермер хўжаликларига айлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Бугун вилоят қишлоқ хўжалик тармоғи иқтисодчилар тили билан айтганда, "кризис" ҳолатини бошдан кечирмоқда. Кейинги икки йил мобайнида вилоятдаги 225 та хўжалик томонидан пахта хом ашёси, 184 та хўжаликда эса ғалла топшириш шартномаси бажарилмади. Аҳвол шу даражага бориб етишининг талай объектив ва субъектив сабаблари бор. Уларнинг энг асосийси — Юртбошимизнинг халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек: "...Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган колхоз ва совхозларга хос эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этаётганини ҳеч нарса билан изоҳлаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди".

Шу боис қўшма йиғилишда вилоятдаги мавжуд 65 та ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этишга оид тайёргарлик ишларининг бориши муҳокама этилиши қишлоқда хусусий мулкчиликка асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечими хусусида сўз борди.

ХУСУСАН, 2005 ЙИЛДА 81 ТА ПАСТ РЕНТАБЕЛЛИ, ИСТИҚБОЛСИЗ ШИРКАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТУГАТИЛИБ, УЛАР НЕГИЗИДА 4895 ТА ЯНГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ОЛДИНДАН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН 337 ТА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ЕР МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИБ БЕРИЛГАН. ШУНИНГДЕК, 12 ТА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ХЎЖАЛИКЛАР ЎРНИДА 2557 ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Йиғилишда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали раиси У. Патиддинов маъруза қилди. Нотиқнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари асосида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2005 йилда 81 та паст рентабелли, истиқболсиз ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида 4895 та янги фермер хўжаликлари ташкил этилган. Олдиндан фаолият кўрсатаётган 337 та фермер хўжалигининг ер майдонлари кенгайтириб берилган. Шунингдек, 12 та мева-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликлар ўрнида 2557 фермер хўжалиги ташкил этилган.

— Аммо айрим ҳолатларда тендер танловларида мутасаддилар айби билан таниш-билишчилик, ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатларига йўл қўйилган, — деди маърузачи. — Оқибатда экин майдонлари ернинг тилини тушунмайдиган, деҳқончиликдан узоқ одамлар қўлига тушиб қолди. Натижада одамларда ерга эгалик ҳуқуқларидан фойдаланиш қонуний жиҳатдан кафолатланганига шубҳа билан қараш кайфияти юзага келди.

Мулк бор жойда, албатта, тортишувлар ҳам бўлади. Буни табиий жараён деб билмоқ керак. Аммо танловлар қонуний ва ҳалол ўтказилсагина, ер ҳақиқий эгасини топади.

Йиғилишда сўзга чиққан Қўрғонтепа туманилик фермер Алижон Аҳмедов, Улуғнор туманилик фермер, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Султонбой Жўраев вилоятда фермерлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар, уларнинг олдини олиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси кенгашининг раиси С. Қобилов иштирок этдилар ва йиғилиш иштирокчилари томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Йиғилиш якунида танлов ўтказиш тартиби юзасидан вилоятда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш комиссиялари иш фаолиятининг қонуний, ошкора ва жамоатчилик кузатуви асосида ўтишини таъминлаш мақсадида, партиявий назорат ўрнатиш, мониторинг тизимини йўлга қўйиш, партия туман, шаҳар ва вилоят кенгашлари "ишонч телефонлари"ни ташкил этиш, бу ишга партия фаоллари, жойлардаги депутатлик гуруҳларини кенг жалб қилиш, шунингдек, O'zLiDeP туман кенгашлари ҳамда ЎзФХУ вилоят филиали ва туман ташкилотлари раҳбарларига алоҳида масъулият юклатиш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон хориж нигоҳида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминловчи марказ ҳисобланади. У бутун минтақага ҳал қилувчи даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Россиянинг сиёсий иттифоқчиси бўлиши лозим. Мамлакатларимиз ўртасидаги Иттифоқчилик шартномаси имзоланди. Шартномани амалий ва сиёсий мазмун билан бойитиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг Конституция томонидан ўз зиммасига юкланган ваколатларни бажаришдаги роли ҳамда масъулиятини, шунингдек, юқорида тилга олинган ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизациялашда сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида киритилаяпти.

«Ўзбекистон танлаган йўл бошқалар учун андоза бўлиши мумкин»

Россия Стратегик тадқиқотлар институти илмий ходими Дмитрий АЛЕКСАНДРОВ эса қонунлар лойиҳасига муносабат билдирар экан, уни барқарор ривожланишнинг ўзбекча андозаси, дея баҳолайди.

— Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мамлакатдир, — деб ёзади муаллиф. — Шуни таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримов кейинги пайтда қонун чиқарувчи органлар ваколатларини кенгайтириш йўлидан бормоқда. Яқингинада сиёсий партиялар ваколатларини кенгайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинди. Унда Ўзбекистон давлат тизимида партияларнинг ролини кучайтириш ҳақида гап боради. Мамлакатда мухолифатдаги партиялар пайдо бўла бошлади. Шу билан бирга бу ерда муайян муаммолар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай муаммолар ҳамон бекарор вазият давом этаётган Афғонистон, ҳозирги пайтда ҳали тинчимаган Қирғизистон билан боғлиқдир. Қирғизистон бутун Марказий Осиё учун салбий мисолдир, чунки 2005 йил 24 мартда рўй берган "лоларанг инқилоб" деб номланган исёндан кейин мазкур мамлакат ўша ларзалардан ҳали-ҳануз ўзини ўнглаб олгани йўқ. Андижон воқеаларида маълум даражада Қирғизистондаги силкинишлар таъсири бор.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти ҳозирги пайтда амалга ошираётган ҳокимиятни марказлаштириш йўлини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. У парокандалик ва бекарорлик вазиятини вужудга келтиришга уринишлар йўлига мустаҳкам тўсиқ бўла олади.

Хулоса ўрнида шуни айтишим лозимки, Ўзбекистоннинг ўзига хос барқарор ривожланиш йўли бошқалар учун андоза бўлиши мумкин.

УЧИНЧИ СЕКТОР

Кучли фуқаролик жамияти сари

КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁННИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ННТЛАРНИНГ РОЛИ ЖУДА КАТТА

Одамларда юрт тақдири, миллат фаровонлиги учун масъулиятни шакллантириш, уларни истиқлолимизни мустаҳкамлашдек эзгу ишларга сафарбар этиш бугунги долзарб вазифалардан саналади. Маънавият ва маърифат инсон онги ва тафаккурининг ўсиши, дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий билимларининг шаклланишига кўмаклашибгина қолмасдан, балки Ўзбекистон тараққиёти, миллат ва Ватан тақдирини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Дунё миқёсида мафкуравий кураш, ғоялар тўқнашуви кескинлашиб бораётган бугунги кунда бу муҳим масалага эътиборни, бир дақиқа бўлса-да, сусайтириш катта хатога йўл қўйиш демакдир. Бинобарин, мамлакатимиз Президенти томонидан асослаб берилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни беқиёс. Улар қонун доирасида ўз низом талабларидан келиб чиқиб иш юритсалар, демократик жараёнларнинг янада тезлашиши, фуқароларнинг фаоллигини оширишга катта ҳисса қўшадилар.

Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонасида "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, республика Бош прокуратураси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг раҳбарлари, адлия, прокуратура ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари иштирок этишди.

Тадбирни вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев кириш сўзи билан очди. Семинарда Адлия вазирлигининг жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Жалол Абдусаттаровнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти: фуқаролик жамиятига таъсири, муаммолар ва уларнинг ечимлари", мазкур вазирлик бўлим бошлиғи Эркин Абдуллаевнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари", Бош прокуратуранинг қонунчилик тарғиботи бўлими матбуот хизмати бошлиғи Светлана Ортиқованинг "Айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари бузилишининг баъзи ҳолатлари", Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси директори Рифат Сарбаевнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кучайтиришда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг ўрни" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Бир неча кун давом этган ҳудудий семинарда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

КЎП партиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда

АКС-САДО

ТАҲЛИЛ

Масъулият ва жавобгарликни ҳис этмасак

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ ОРЗУ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Одилжон ИСАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш борасида олиб борилаётган амалий ишлар бунинг яққол далилидир.

Жамиятни ислоҳ этишнинг барча босқичларида давлат бошқаруви ва ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамиша долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Уларни амалга ошириш жараёнида халқаро андозаларга мос келадиган демократик давлат қуриш, фуқаролик институтларини шакллантириш, фуқаролар эркинлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада нафақат умуминсоний тажрибалар, балки халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлар ва авлод-аждоллар томонидан яратилган маънавий омилларнинг ўрни ва роли беқиёс, албатта.

Ҳозирги даврда жамиятимизни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича танланган тараққиёт модели талаблари, мустақиллик йилларида янги жамият қуриш бўйича тўпланган тажриба фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга долзарб вазифа қилиб қўяётган ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилмоқда. Ушбу ўзгартиришларнинг айнан ҳозирги кунга келиб амалга оширилаётганининг қатор сабаблари бор, деб ўйлайман.

Аввало, лойиҳа жамият ҳаётида фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини янада оширишни кўзда тутаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айтиш керакки, халқ иродасига, фуқароларнинг ўтказилаётган ислоҳотлардаги фаол иштирокига, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни тушуниши ва қўллаб-қувватлашига таянган ҳолдагина мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш мумкин. Қолаверса, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш Конституциявий қонун лойиҳасининг асосини ташкил этади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партиялар ўрнининг юксалиши мамлакатдаги барқарорликни мустаҳкамлаш кафолати бўлибгина қолмай, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун ҳам зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади.

Лойиҳа парламент томонидан тасдиқланса, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилади.

Хусусан, лойиҳанинг 2-моддасида **("Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари")** турли хил сиёсий мақсадларни кўзлайдиган, сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмоқда. Бу билан сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида турган вазифаларни ҳал этишдаги ролини сезиларли даражада ошириш, шунингдек, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, палата ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал этиш жараёнида фракциялар ўртасида соғлом сиёсий рақобат юзага келади.

Қонун лойиҳасининг 3-моддасида **"Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга"**лиги белгиланган. Бу норма Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туриши ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмаслиги ҳақидаги амалдаги тартибни **("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 15-моддаси)** тубдан ўзгартиради ва сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қуйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини кучайтиришга, партиялар фракциялари ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини сезиларли равишда демократлаштириш имконини оширади.

Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари вилоятлар кенгашларида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларга, шунингдек, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган депутатларга марказда ва жойларда ижро органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 4-моддасида **("Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби")** ҳам бир қатор ўзгаришлар назарда тутилмоқда:

а) ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳаси 5-моддасининг "г" бандига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилмоқда;

б) Сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги таъсирини ошириш учун қонун лойиҳасининг 6-моддасида **("Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби")** "Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг тегишли халқ депутатлари кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади" деб белгилаб қўйилмоқда.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган ана шу вазифалар тўла-тўкис амалга оширилмас экан, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини ошириш масаласи орзу бўлиб қолаверади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Шундай экан, фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий онгини ошириш, ҳар бир шахснинг жамиятда кечаётган жараёнларнинг онгли иштирокчисига айланишини таъминлашда сиёсий партиялар олдида муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди, дейишга асос етарли.

МУНОСАБАТ

Бу танлаган йўлимиз тўғрилигини кўрсатаяпти

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари, шубҳасиз, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этилаётган республикамизда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш орқали мамлакатни модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Абдулҳаким ТУРДИЕВ,
Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

Мазкур қонун, энг аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг имкониятларини кенгайтиради. Уларга жаҳон тажрибасида қўлланилаётган ваколатларни беради. Бу эса қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнини янада демократлаштириш билан бирга фикрлар хилма-хиллигини ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшади. Иккинчидан, мазкур қонун сиёсий партияларнинг жойлардаги ролини оширишга хизмат қилиши энг муҳим жиҳати, деб ўйлайман. Ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар, халқ депутатлари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва депутатлик гуруҳларининг таъсирини кучайтиришдаги роли эса депутатлик ваколатлари масъулиятини оширади, албатта.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Конституциянинг айрим моддаларига киритилаётган бундай ўзгаришлар жойларда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик ва коррупция сингари нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳасининг энг муҳим томони шундаки, у ташланаётган дадил одимларни кўрсатиш билан бирга сиёсий партиялар ролини кескин оширади. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан кўзланган асосий мақсад эса юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш ҳамда бошқарув тизимини шакллантиришда демократик тамойилларга тўлиқ риоя этишдан иборатдир.

ГАЗЕТХОН ФИКРИ

Муштарийлар "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси ҳақида

Соат МУСАЕВ,
журналистика фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Газетани доимий равишда ўқиб бораман. Чунки бу нашрнинг ўзбек миллий матбуотида ўз ўрни, овози бор. Мавзулари доираси анча кенг. Кузатишимча, O`zLiDeP фаолияти, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати яхши ёритилаяпти.

Аввало, менга бу газетанинг безаги ёқади. Айниқса, биринчи саҳифаси жозибадор чиқмоқда. Газетанинг чоп этилиши халқаро журналистика андозаларига мос келади.

Унинг саҳифаларида ўз соҳасининг билимдон мутахассислари, ҳокимлар, умуман, биринчи раҳбарларга кенг ўрин берилаётганини таъкидлаш лозим.

Истагим: газетанинг янада оммавий бўлиши учун оддий муштарийларга кўпроқ ўрин бериб бориш керак. Ана ўшанда унинг оммавийлиги янада ошади, бу нашр ҳақиқий умумхалқ минбарига айланади.

• • •

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизматининг бош мутахассиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Газета республикамиздаги энг кенжа нашрлардан бири бўлишига қарамай, тез орада ўз ўқувчиларини топа олди. Унинг саҳифаларида иқтисодиёт ва молия масалалари кенг ёритилаётгани таҳсинга лойиқ. Мен, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётган мақолаларни қизиқиб ўқийман.

Мазкур нашр мазмун мундарижасини янада бойитиш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Шу ўринда менда битта таклиф бор. Тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишда газета ўзига хос мактаб вазифасини ўташи мумкин.

Бугунги кунда солиқларни ҳисоблаш ва тўлашда қийналаётган тадбиркорлар оз эмас. Улар давлат солиқ инспекцияси ходими айтган суммани ҳеч иккиланмай, ҳисоб-китоб қилиб кўрмай, тўлайверадилар. Кейин эса ортиқча тўлаб юборилган суммани қайтариб ололмай, судма-суд овораю сарсон бўлиб юрадилар. Шундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш учун газетада "Солиқ сабоқлари" рукни очилса, унда мутахассис маслаҳатлари бериб борилса, айни муддао бўлар эди. Токи тадбиркор солиқ турлари, уларнинг суммаси, тўлаш санаси ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлсин.

ХОЛИС БАҲО

Депутатлик гуруҳи — партия фаолиятини акс эттирувчи кўзгу

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ҳар доим юртдошларининг қувончу ташвишларини бирга баҳам кўриб яшайдилар. Асли касби шифокор бўлган Абдураҳим Зокиров ҳам ана шундай инсонлардан бири. Наманган вилоят кенгаши депутати, "Гулшан" санаторийсининг бош шифокори А.Зокиров 800 нафардан зиёд O`zLiDeP аъзоси бўлган туман кенгашига ҳам раҳбарлик қилаяпти.

Одилжон ИНОМОВ,
"XXI asr" мухбири

— Абдураҳим Зокировнинг ташаббускорлиги билан ташкилотимиз учун алоҳида жой ажратилди. У ерда партиявий-сиёсий қўлланмалар, газета ва журналлар тахламлари жойлаштирилган, — дейди партия туман кенгаши раисининг ўринбосари Акрамжон Иброҳимов. — Бошланғич ташкилотлар раҳбарлари учун ўқув-семинарлар ҳам асосан шу ерда ўтказилади.

Сайловчилар табиатан серҳаракат инсонни бежиз вилоят кенгашига депутатликка сайламадилар. А.Зокиров ўтган давр мобайнида ўз сайловчиларининг ишончини қозонди, дея бемалол айтиш мумкин.

Оддий бир мисол: сайлов округи ўрамидаги Қорамурт қишлоғи аҳолисини ичимли сув муаммоси кўпдан бери қийнаб келарди. Депутатнинг амалий ёрдами туфайли 2500 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бу ҳудудда мазкур муаммо бартараф этилди. Шундан сўнг қишлоқ фаолларининг, умуман сайловчиларнинг депутатгагина эмас, балки у аъзо бўлган партияга бўлган ишончлари янада мустаҳкамланди.

— Сиёсий партияларнинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрнига баҳо беришда уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқ лозимлиги давр талабидир, — дейди А. Зокиров. — Яқинда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳасининг эълон қилиниши боиси ҳам ана шундадир. Лойиҳа билан танишиш асносида мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларда сиёсий партиялар ролини янада оширишга алоҳида урғу берилганини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Мукаммал тайёрланган мазкур лойиҳада сиёсий партиялар олдига жиддий вазифалар қўйилади. Демак, сайловчилар ишончини қозонаман, деган депутат сиёсий етуклиги ва билимдонлиги билан алоҳида ажралиб туриши лозим. Чунки, у мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги каби ўта жиддий масалаларда қонун ва қарорларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари партиямиз аъзоларининг жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий ва сиёсий фаоллигини янада оширишга, уларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ва масъулиятини кучайтиришга қаратилгандир.

»

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Венесуэла расмийлари Нью-Йоркка 100 млн. литр ёнилгини арзон нархларда етказиб бераяпти. Дастур Америка сиёсатчилари орасида кескин бахсларга сабаб бўлди

11 - САҲИФАДА

ЖАРАЁН

ЖАМИЯТНИНГ иқтисодий ҳаётида тобора кенгайиб, кучга тўлиб бораётган мулкдорлар қатлами олдида турган тўсиқларни олиб ташлаш — долзарб масала

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Миллиарддан ошган қарз

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАРГА УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Келинг, гапни бир чеккадан бошлайлик. Жарқўрғон туманидаги "АТК-Руслан" акциядорлик жамияти низом жамғармасини ошириш мақсадида 2004 йили 35688 дона қўшимча акция чиқаради. Қимматли қоғознинг 17690 донасини Термиз шаҳридаги "Сардорбек-Сурхон" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси "Тошкент" фонд биржаси орқали 50 млн. 628 минг 780 сўмга сотиб олди. Қимматли қоғозлар амалдаги қонунларга зид ҳолда чиқарилгани учун жамиятнинг янги таркибдаги бошқаруви ва кузатув кенгаши мазкур акциялар чиқарилишини бекор қилишни сўраб, вилоят хўжалик судига мурожаат этишган. Бундан сал олдинроқ "Сардорбек-Сурхон" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси ҳам қарши даъво киритган эди.



■ **Искандар ПОЛВОНОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят худудий бошқармасининг тадбиркорликка ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи**

Ҳар иккала даъво суд мажлисида кўрилиб, 2005 йил 9 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан қўшимча чиқарилган акциялар бекор қилинди. Лекин ноқонуний чиқарилган акциялар учун тўланган маблағни ундириш масаласи суд муҳокамасидан четда қолди. Шундай бўлса-да, хўжалик суди қароридан сўнг "Тошкент" республика фонд биржаси хусусий корхонага 44 млн. 4 минг 790 сўмни қайтарган. Савдо-сотиқ жараёни билан боғлиқ 6 млн. 623 минг 990 сўм маблағ эса очиқ қолди. Корхона мутасаддилари ана шу қарзни ундиришда амалий ёрдам сўраб, ҳудудий бошқармага мурожаат этишди. Бошқарма аралашуви билан масала вилоят хўжалик суди ва республика Олий хўжалик судида кўриб чиқилди, тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди. Акциялар савдоси билан боғлиқ комиссион тўловлар ноқонуний акция чиқарганлиги учун "АТК-Руслан" АЖдан ундириб берилди.

Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. 2004 йил март ойида Денов туманидаги "Шайдулла бобо" қўп тармоқли хусусий фирмаси билан "Юлдуз М.Б." хусусий корхонаси ўртасида 3 млн. сўмлик қурилиш материаллари етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган эди. "Юлдуз М.Б." хусусий корхонаси эса шартнома мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келган. Икки йиллик низо бошқармамиз аралашуви билан хўжалик суди орқали ҳал этилди. Умуман, йилнинг ўтган даври мобайнида фермер, тадбиркор ва хўжалик юритувчи бошқа субъектларга 1 млрд. 326 млн. 127 минг сўм миқдоридаги асосий қарз, 210 млн. сўмдан ортиқ жарима ҳамда 467 минг сўмлик бой берилган фойда тўлиқ ундириб берилди.

Мустақил республикамизнинг Бош қомусида хусусий мулк дахлсизлиги, унинг давлат ҳимоясида эканлиги, мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган. Буни асло унутмаслик лозим. Зеро мулк эгаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг муҳим бурчимиздир.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Конституциявий қонун лойиҳасига бағишланди

Партиянинг Тошкент вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази режасига киритилган доимий семинарларнинг 4-босқичи Пискент туманида бўлиб ўтди.

Унда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси ҳақида парламент аъзоси Ф. Комилов маъруза қилиб, мазкур қонун лойиҳаси, энг аввало, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш учун катта имконият очиб беришини таъкидлади.

Шунингдек, маърузачи сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасининг моҳиятини тушунтириб берди. O`zLiDeP электорати билан ишлаш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишда Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш марказининг роли ҳақида В. Котельникова батафсил маълумот берди.

Семинар якунида муҳокама этилган масалалар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аёл ва бизнес

O`zLiDeP Дастурида партия молия ва банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, такомиллашган бозор инфратузилмасини яратишга жиддий эътибор қаратиши лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, банклар сармоялаш жараёнининг муҳим бўғини бўлиши, корхоналар ва тадбиркорлик тузилмалари ривожланишидан манфаатдор содиқ ҳамкорга айланиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Тадбиркорлик билан шуғулланишга киришган хотин-қизларга кредит олишда амалий ёрдам бериш мақсадида партиянинг Тошкент шаҳри кенгаши ижроия қўмитасида давра суҳбати ўтказилди. Унда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, "Файз-Барака" компанияси раҳбари М. Акрамова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати К. Жумамуратова, "Микрокредитбанк", "Ипотекабанк" ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритаётган тадбиркор ва фермер аёллар, ўз фаолиятини энди йўлга қўяётган хотин-қизлар қатнашдилар.

Давра суҳбати

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида O`zLiDeP Шайхонтоҳур туман кенгаши томонидан партиянинг ўз электорати билан ишлашини янада кучайтириш мавзуида тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирокида Давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш марказ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А. Эрдонаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари З. Убайдуллаев, Х. Ҳакимов, Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Қосимов, "Микрокредитбанк" Шайхонтоҳур туман филиали, туман ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, "Консалтинг хизмати кўрсатиш" марказининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатидан кўзланган мақсад партиянинг дастурий вазифаларини амалга ошириш, тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш эди.

ЯНГИЛИКЛАР

Қарши давлат университетида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан "Ёшлар — миллат келажаги" деб номланган навбатдаги анжуман ташкил этилди.

Партия гувоҳномалари топширилди

■ **Ўз мухбиримиз**

Унда университет ректори Бойназар Йўлдошев, O`zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Отабек Усмонов, кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Абдулатиф Раҳимов, талаба Нилуфар Аббосхонова сўзга чиқиб, ёшларимизни Президентга, истиқлолга содиқ бўлишга, билим ва қобилиятларини озод ва обод Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, миллат фаровонлигига сарфлашга чақирдилар. Аълочи ва ташкилотчи ёшлардан бир гуруҳига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Ташкил этилган кураш мусобақаси ва концерт дастури тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида O`zLiDeP аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга партия гувоҳномалари топширилди.

Китоблар маркази очилди

ҚАРШИ ШАҲРИДА «ШАРҚ ЗИЁКОРИ» КИТОБЛАР МАРКАЗИНИНГ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

— Мазкур марказнинг оддий китоб дўконларидан фарқи шундаки, — деди "Шарқ зиёкори" маркази директори Равшан Ҳамзаев. — Бу ерда нафақат китоб харид қилиш, балки мавжуд ўқув залида китоблардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Марказда дунёнинг исталган нашриётларида чоп этилган китоблар учун буюртмалар қабул қилиниб, мижозларга етказиб берилади. "Таклиф ва мулоҳазалар" дафтарида қайд этилган талаб-истаклар асосида китоб фонди мунтазам бойитиб борилади.

Айни пайтда марказда аҳолининг турли қатламлари учун мўлжалланган 3 мингдан ортиқ бадиий, тарихий, диний адабиётлар, шунингдек, дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари савдоси ҳам ташкил қилинган. Тадбирда Қарши шаҳар ҳокими, O`zLiDeP вилоят кенгаши аъзоси Шуҳрат Турсунов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Солиқ кодекси лойиҳаси: таклифлар, мулоҳазалар...

Аввал хабар қилинганидек, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан жойларда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ушбу тадбирларда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашиб лойиҳага ўз муносабатларини билдираяптилар.

■ **Ўз мухбирларимиз**

"Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси: таклиф ва мулоҳазалар мавзуига бағишланган навбатдаги давра суҳбати Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари кодекс лойиҳаси юзасидан сўзга чиқиб, уни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг мунозара ва фикрлашувлар алоҳида-алоҳида гуруҳларда давом эттирилди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази вакиллари томонидан ўрганиб чиқилгач, O`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси эътиборига ҳавола этилди.

Давра суҳбатида O`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Насим Алимов, Бахтиёр Соатов, Кароматулло Турғунбоев, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

* * *

Фарғона давлат университетида ҳам ушбу мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партиянинг вилоят кенгаши ижроия аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси, шунингдек, вилоятда фаолият олиб бораётган йирик тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, кичик ва хусусий бизнес, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қобилжон Тошматов, Давлат солиқ қўмитаси вакили Содиқжон Боймуродов, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Дилмурод Мирзакаримов, O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Раҳматилло Камолов тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтаришди.

Сўнгра иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммолари юзасидан ўзаро фикрлашдилар.

* * *

22 ноябрь куни O`zLiDeP Наманган вилоят кенгашининг Сиёсий таълим марказида Солиқ кодекси лойиҳаси юзасидан давра суҳбати ташкил этилди. Унда сўзга чиққан нотиқлар янги лойиҳанинг қонунчилик амалиётидаги аҳамиятига тўхталиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ботиржон Дадабоев бошқарган ушбу тадбирда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад, ягона солиқ ставкаларини камайтириш билан боғлиқ муҳим фикрлар ўртага ташланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Дилмурод Мирзакаримов, Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими Содиқ Боймуродов ўз чиқишларида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси ҳақида кенг тўхталиб, уни ҳар жиҳатдан бойитиш ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

ЙЎЛИМИЗ ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДИР

ЭНГ АСОСИЙСИ — ЭЛЕКТОРАТИМИЗ ФАОЛИЯТИ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИШСИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН ОДАМЛАРГА МАҚБУЛ ЖАМИЯТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Бу имтиёз эмас, имкониятдир

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ШУҲРАТ ҚУРБОНОВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

■ **Носир ТОШЕВ суҳбатлашди**

— Бугунга келиб ташкил топганига уч йил бўлган O`zLiDeP ўз ғоялари, ҳаётий мақсадлари билан жамоатчилик эътиборини қозониб улгурди Партия фаолларидан бири сифатида унинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда қўппартиявийлик муҳити шаклланди, турли эътиқод ва мафкуравий қарашлар учун кенг йўл очилди. Зеро сиёсий рақобат, фикрлар хилма-хиллиги демократия тараққиётига хизмат қилувчи муҳим омиллардан биридир.

Бугун қуруқ сўз, баланд-парвоз ваъдалар билан халқ ишончини қозониб бўлмайди. Ҳаёт янги-янги муаммоларни кун тартибига қўймоқда. Уларни ҳал этиш учун сиёсий фаоллик ва ташкилотчиликни янада оширишимиз лозим, албатта. Бу бизнинг муҳим партиявий бурчимиздир. Зотан замон шиддатидан орқада қолган, эл юкига елка тутолмаган партиянинг кимга кераги бор?

Ана шулар ҳақида ўйлар-канман, O`zLiDePнинг дастурий ғоялари умумхалқ, умуммиллат манфаатларидан келиб чиққанлигига яна бир карра ишонч хосил қиламан. Танлаган йўлимиз — тинчлик ва бунёдкорлик йўлидир. Ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан қайтара олмайди. Модомики миллат бахти, Ватан тақдири учун масъулликни ўз зиммамизга олган эканмиз, жондан кечиб ишлашимиз, электоратнинг юксак ишончини оқлашимиз лозим. Бу борадаги кўпқиррали вазифаларни қўйи бўғинлар, яъни бошланғич партия ташкилотларининг фаол иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди, албатта. Нега деганда, бошланғич ташкилотлар O`zLiDePнинг жойлардаги таянч нуқталаридир.

— Шу ўринда фикрингизни бўламан. Мана, ниҳоят, асосий масалага ҳам етиб келдик. Гап бевосита бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни хусусида кетаётганини англаган бўлсангиз керак...

— Гулхан ёқиш учун ҳам тутантириқ керак. Демоқчиманки, ўзи ёнмаган одам ўзгалар қалбига ўт сола олмайди. Биз партиядошларимиз фаолиятига ана шундай талаб билан ёндашишга одатланишимиз лозим. Уларнинг бошқалардан фарқи ҳам ғоявий етукликда ва сиёсий ҳозиржавоблигида эмасми, ахир! Масъулият тўла ҳис этилган жойда ютуққа ютуқ қўшилиб, моддий манфаатдорлик ошаверади. Зотан қут-барака ҳалол меҳнат ва аҳиллиқдадир.

Таъкидлаш жоизки, "Шўртангазкимё" мажмуи жаҳондаги энг нуфузли компаниялар иштирокида барпо этилган бўлиб, айни кунда барча технологик жараёнлар тўлиғича маҳаллий кадрлар томонидан бошқарилади. Улар "Корхонам — шаъним, фахрим, виждоним" шиорини қалбга жо этиб, мана-ман деган хорижий мутахассислардан кам эмасликларини амалда исботлаяптилар. Айни кунда мажмуа таркибида 23 та цех ва бўлим фаолият юритмоқда. Ишчи-хизматчилар сони 2000 дан зиёдроқни ташкил этади. Шундан 700 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Улар ўз бурчларига тўла масъулият билан ёндашиб, барча соҳада ўрнак бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Президентимиз 2001 йил 20 декабрда "Шўртангазкимё" мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида "Ҳеч шубҳа йўқки, дунёда камдан-кам барпо этилган, керак бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жиҳозланган мана шундай мажмуанинг ишга тушиши наинки Қашқадарё воҳаси саноҳиятини айни пайтда бутун мамлакатимиз индустрия қудратини янги босқичларга кўтаришга беқиёс ҳисса қўшади", деган эдилар.

Узоқни кўзлаб айтилган бу доно фикрлар эндиликда ўзининг тўлиқ ижобатини топмоқда. Ишлаб чиқаришда эришилаётган салмоқли ютуқлар ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Жорий йилдан бошлаб тўлиқ лойиҳа қувватига эришилди. Мамлакатимиздаги юзлаб корхоналар газ хом ашёси билан ўз вақтида таъминланмоқда. Фақат шугина эмас. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят экспорт ҳажмининг 27,6 фоизи "Шўртангазкимё" улушига тўғри келди. Тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг айни даврига нисбатан ўсиш суръати газ конденсанти ва суюлтирилган газ бўйича 105-107 фоизни, полиэтилен ва товар газ ишлаб чиқариш бўйича 114-116 фоизни ташкил этгани ҳам эътиборга моликдир.

— Албатта, бу каби меҳнат натижаларини кенг сиёсий ташкилотчилик фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса мамлакатимиз фахрига айланган замонавий корхонада ишлашнинг ўзи катта шарафдир. Бошланғич партия ташкилоти давр ўртага қўяётган талаблардан келиб чиқиб, ғоявий-тарбиявий ишлар таъсирчанлиги ва жанговарлигини янада ошириш учун қандай чораларни кўраяпти?

— Очиғи, бу олдимизда турган муҳим ва асосий вазифалардан биридир. Фидойи, жонкуяр етакчигина сафдошларини ўз ортидан эргаштира олади. Ғоялар кураши кучайиб, дунёнинг турли минтақаларида ахборот хуружлари авж олаётган ҳозирги мураккаб даврда бетарафлик позициясида туриш асло мумкин эмас. Мамлакатимиз, халқимизнинг ҳаётий манфаатлари биздан сиёсий ҳушёрлик, мафкуравий етукликни талаб этаяпти. Корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари жараёнида биз масаланинг ана шу жиҳатларига жиддий аҳамият қаратаяпмиз.

Жорий йилнинг ўзида O`zLiDeP аъзолари сони 200 нафарга кўпайди. Энг муҳими, аъзоликка қабул қилишда номзоднинг ғоявий эътиқоди, жамоа ўртасидаги обрў-эътибори, ташкилотчилик қобилияти биринчи навбатда ҳисобга олинаётир. БПТ фаолиятини йўлга қўйишда кўплаб фаолларимиз яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Учқун Муродов, Гулнора Менгалиева, Абдувоҳид Ботиров, Ғанишер Менглимуродов ана шулар жумласидандир. Партия хонасида фаоллар билан долзарб мавзуларда тез-тез мулоқотлар ўтказиб турилади. Бу ерда турли сиёсий адабиётлар, O`zLiDeP дастури ва низоми, "XXI asr" газетаси тахламлари билан танишиш мумкин. Фаолиятимизни йўлга қўйишда мажмуа бош директори, сенатор Алишер Султонов бизга амалий ёрдам кўрсатаяпти.

Менинг фикримча, партия аъзоси бўлиш — бу имтиёз эмас, балки эл-юрт олдидаги бурчимизни виждонан адо этиш учун берилган катта имкониятдир. Жойларда сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш учун ана шу талабдан келиб чиқишимиз лозим, албатта.

— "Яхши дам — меҳнатга ҳамдам", дейди халқимиз. Аслида ҳам шундай. Гурунгимиз сўнггида жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароит ва БПТнинг бу борадаги иштироки хусусида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Одам борки, яхши яшашни истайди. Бунга унинг ҳаққи бор. Фикримча, бошланғич партия ташкилотининг фаолият доираси сиз билан биз ўйлагандан анча кенгроқ. Ёш авлод камолоти, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, жиноятчиликка қарши кураш, борингки, тўй-маъракаларни ортиқча чиқимсиз ўтказиш каби масалалар кимни қизиқтирмайди, дейсиз. Зеро ҳаммамиз бир жамиятда яшаймиз. Демак, дарду ташвишимиз ҳам бир.

Ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашда корхона касаба уюшма ташкилоти билан яқин ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Замонавий ошхона, спорт-соғломлаштириш маркази улар хизматида. Цехлараро турли хил спорт мусобақалари ўтказиб турилади. "Эркатой" боғчасида жажжиларнинг қувнаб ўсишлари учун барча шарт-шароит яратилган. O`zLiDeP аъзоларидан 10 нафари корхона маблағи ҳисобидан яқинда Туркиянинг "Анталия" оромгоҳида дам олиб қайтди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин, албатта.

Фаровон жамиятни ғоявий етук, маънан бой, юксак эътиқодли инсонлар барпо этади. Бинобарин, омма ичига чуқурроқ кириб боришимиз, жойларда ғоявий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришимиз лозим. Зеро юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муҳим партиявий бурчимиздир.

Шуҳрат ҚУРБОНОВ, 1972 йилда Ғузор туманидаги Афғонбоғ қишлоғида туғилган. Тошкент давлат техника дорилфунунини тугатгач, тоғ-кон соҳасида ишлаган. 2000 йилдан бери "Шўртангазкимё" мажмуида хизмат қилиб келмоқда. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI asr» газетаси таҳририяти "Бошланғич партия ташкилотларида" иловаси 2007 йилда ҳам изчил чоп этилишини маълум қилиб, БПТ ҳаётига оид янгиликлардан, муҳим изланиш ва ташаббуслардан доимий равишда хабардор бўлишга чақиради.

XASR — бу сизнинг газетангиз!

Ҳаммаси партия электоратининг амалий фаолиятига боғлиқ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОЛИЙ МАЖЛИС МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛГАН «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ВА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЗИММАМИЗГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ.

Сиёсий кўникма инсонда йиллар давомида шаклланади. Бунинг учун, албатта, қанчаданқанча машаққатли йўллар босиб ўтилади. Чунки ҳаётнинг ўзига хос қонуниятлари бор. Улар билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

■ **Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири**

Республикамизда хусусийлаштириш жараёни бошланган кезларда Маҳаматқул Рўзиев туман коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида хизмат қилар эди. Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, корхонани маҳаллий ўғит етказиб беришга ихтисослашган "Рустамбек" хусусий корхонасига айлантиришга жазм этди. Хўш, натижа қандай?

— Тумандаги 56 та фермер хўжалиги билан шартнома тузганмиз, — дейди Маҳаматқул ака. — Техникаларимиз етарли. Меҳнатнинг таги роҳат, деганларидек, ходимларимиз 150-200 минг сўмдан маош, меҳнат якунига қараб мукофот пули ҳам олишаяпти.

Бу яхши, албатта. Зеро моддий рағбат янги ютуқларга йўл очади. Корхонада сиёсий-тарбиявий ишлар кенг йўлга қўйилган. Эътиборли томони, мавжуд 30 нафар ходимнинг барчаси O`zLiDeP аъзосидир. Шерали Қувватов, Зафар Қувватов, Улуғбек Ҳақбердиев, Шуҳрат Амиров, Баҳодир Норов ва бошқалар ўз зиммаларидаги бурчни тўла ҳис этиб, омма орасига кенгроқ кириб боришга ҳаракат қилаяптилар. БПТ йиғилишлари жонли, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтади. Бу, албатта, жамоа фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Туман фермерлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша. Бултур 21 млн. сўм соф фойда олинган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бу кўрсаткич 24 млн. 864 минг сўмга етди.

— Инсон меҳнати билан қадрлидир, — дейди суҳбатдошимиз. — Бирор соат вақтим бекор кетса, ўз-ўзимдан ранжийман. Корхонамиз кўп тармоқли бўлиб, деҳқонларга маҳаллий ўғит етказиб беришдан ташқари қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Шоли тегирмонимиз бор. 150 гектар лалми ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Бу йил 27 гектар ерга буғдой экиб, 25 тонна ҳосил олдик.

Лекин бу билан фаолиятимизда камчилик йўқ, демоқчи эмасман. Айниқса жойларда ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси ташаббуси билан қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини оммага етказиш, ёшларни зарарли ва ёт оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш борасида ҳали кўп изланишимиз лозим. Ваҳоланки, бугун дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳар биримизни огоҳликка, ҳамиша элюрт дарди билан яшашга ундамоқда. Чунки бой берилган нарсанинг ўрнини тўлдириш осон бўлмайди. Буни ҳаётий тажрибадан яхши биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлис муҳокамасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Зеро биз жамият тараққиёти учун масъулликни ўз зиммасига олган партиянинг вакилларимиз. Юқоридаги қонун лойиҳаларида эркин демократик жамиятни шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини янада кенгайтиришни тақозо этади. Ҳар бир сиёсий партия эса давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос "кўприк"дир. Биз шундан хулоса чиқариб, фаолликни янада оширишимиз, оммага ғоявий таъсир ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим, албатта.

Ўнта бўлса, ўрни бошқа

КЎППАРТИЯВИЙЛИК ҲАЛОЛ РАҚОБАТ УЧУН ЙЎЛ ОЧИБ БЕРАЯПТИ, — ДЕЙДИ ЖАМИЯТ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ САЙДУЛЛО УСМОНОВ

Ҳар қандай сиёсий партия ўз фаолияти давомида энг аввало, қуйи бўғинлар кучи ва салоҳиятига таянади. Зеро жойларда сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, оммани эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш, партия обрўси ва нуфузини оширишда бошланғич ташкилотларнинг роли каттадир.

Хўш, Наманган вилоятида бу масалага қандай эътибор қаратилмоқда? Бошланғич партия ташкилотлари ишини йўлга қўйишда қандай мезонлардан келиб чиқилаяпти?

■ **Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**



Шу юрт, шу Ватан барчамизники экан, унинг келажаги ва тақдири учун қайғуриш муҳим фуқаролик бурчимиздир. Инсон ҳаётини жамият фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни улар ўзаро уйғундир. Ўтиш даврининг дастлабки йилларида бир қатор саноат корхоналари инқирозга юз тутиб, эшикларига катта қулф тушганлигини кўпчилик яхши эсласа керак. Минглаб ишчи-хизматчилар мажбурий равишда "таътил"га чиқарилди. Намангандаги "Нотўқимачи" акциядорлик жамияти ҳам ўз вақтида ана шундай тўсиқларга дуч келганди. Лекин бутунлай "синган"и йўқ. Аксинча, мулкчиликнинг янги шакли қўл келиб, корхона қисқа вақт орасида ўз қаддини тиклаб олди, истиқбол сари дадил қадам ташлай бошлади. Эндиликда у вилоятдаги иқтисодий барқарор корхоналардан бирига айланган. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва сиёсий фаоллигини оширишда бошланғич партия ташкилотининг ҳиссаси катта бўлаяпти.

— Янги давр олдимизга муҳим ҳаётий талабларни қўймоқда, — дейди С. Усмонов. — Бу эса биз, фаоллардан алоҳида масъулият талаб этади. Жамиятда салмоқли сиёсий нуфузга эга бўлган партиямизнинг халқ манфаатидан бошқа манфаати йўқ. Унинг Низоми ва Дастури билан танишар эканман, янги партия илгари сураётган ғоялар руҳиятимга нақадар яқинлигини ҳис этдим. Биринчилар қаторида унинг сафига кирганлигим ҳам шундан. Кўп ўтмай электоратимиз доираси кенгайиб, жамоада бошланғич партия ташкилотига асос солинди. Абдумутал Абдуллаев, Насиба Жўраева, Шокиржон Жўрабоев, Баҳромжон Халилов, Собиржон Аҳмаджонов, Муҳиддин Шокиров каби фаоллар партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда асосий таянчимизга айланмоқдалар. Уларнинг ҳар бирига тегишли партиявий топшириқлар берилган.

Дарҳақиқат шундай. Жорий йилнинг ўтган ўн ой мобайнида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6 млрд. 400 млн. 243 минг сўмга етди ёки 2005 йилнинг айни даврига нисбатан 101 фоиз ўсишга эришилди. Бошқача айтганда, 12 млн. 85 минг квадрат метр нотўқима матолар, 2 млрд. 122 млн. 522 минг сўм миқдорида халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мавжуд технологик ускуна ва жиҳозлар қувватидан фойдаланиш даражаси 76,7 фоизни ташкил этди. Бу, албата, жамоа аъзоларининг фидокорона меҳнати самарасидир.

— Халқимизда ўнта бўлса, ўрни бошқа, деган нақл бор, — суҳбатга қўшилади партия фаолларидан бири Абдумутал Абдуллаев. — Демоқчиманки, корхонамизда бошқа партияларнинг аъзолари ҳам меҳнат қилишади. Сиёсий рақобат кучли. Ҳар бир партиянинг мавқеи, обрў-эътибори аъзолар салоҳияти билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, биз фаолиятимизни такомиллаштиришга, O`zLiDePнинг қамров доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, кўппартиявийлик шароитида жамоа аъзоларининг кўнглига йўл топиш осон эмас. Қуруқ гапсўзлар билан эмас балки амалий ишлар орқалигина рақобатда енгиб чиқиш мумкин.

БПТ аъзоларининг сиёсий дунёқарашини кенгайтириш учун оммавий ахборот воситаларидан, жумладан, "XXI asr" газетаси саҳифаларида чоп этилаётган материаллардан, турли сиёсий адабиётлардан кенг фойдаланаяпмиз. Бу эса машғулотларнинг жонли ва таъсирчан чиқишини таъминлаётир.

Сайдулло УСМОНОВ,
1963 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини аврли газламалар комбинати тўқув-тайёрлаш цехида бошлаган. Айни пайтда Наманган "Нотўқимачи" акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбари ҳамда O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

БПТ етакчиси ҳақ гапни айтди. Чиндан ҳам танқид келажак мевасидир. Ўзингга ишонсанг, аҳволни ўнглаш учун ҳамиша имконият топилади. Навоийлик фаоллар шундан келиб чиқиб, сиёсий фаолликни оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Партия хонаси дид билан безатилган. Бу ерда турли сиёсий адабиётлар, партия Низоми ва Дастури тартиб билан териб қўйилган. Истаган киши улардан фойдаланиши ва ўз сиёсий дунёқарашини бойитиши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай монеълик йўқ.

Ишонч — улуғ неъмат

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИДАН

■ **Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири**

Таъкидлаш жоизки, компания вилоятда бунёд этилаётган ижтимоий аҳамиятга молик объектлар, коллежлар, мактаблар, спорт иншоотлари, қишлоқ врачлик пунктлари қурилишида асосий буюртмачи ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилоти иншоотлар сифати ва уларнинг шартнома муддатида қуриб битказилишини ўз назоратига олган. Жорий йилда жамоа аъзоларининг куч-ғайрати билан 4 та коллеж, 2 та ҚВП, битта мактаб янгитдан барпо этилди, 14 мактаб капитал реконструкция қилинди. 2007 йилда янада катта режалар кўзда тутилмоқда.

Ташкилот етакчиси билан гурунглашиб ўтирганимизда хонага бир одам кириб келди. Ўз иши бир четда қолиб, суҳбатдошимиз унга алоҳида илтифот кўрсатди. O`zLiDeP фаолияти ҳақида кенг тушунча бераркан, унинг ғоя ва мақсадлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетганлигини таъкидлади. Бу, албатта, маҳаллий аҳолига бўлган самимий эътибордан далолатдир.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорона ишларнинг илдизи мустақиллликка бориб тақалади, — дейди Ш. Исматов. — Дарҳақиқат, биз истиқлол шарофати билангина миллий ўзлигимизни англадик, ота-боболаримиз бир умр орзу қилиб ўтган саодатли кунларга етиб келдик. Шу ҳақда ўйлаганингда, кўксинг тоғдек кўтарилади. Ахир, ким эдигу ким бўлдик? Қаерда бўлмасин, инсон қадр-қиммати ва манфаатлари биринчи ўринга қўйилган. Ватан тақдирига дахлдорлик, унинг бугуни ва эртаси учун масъуллик туйғуси руҳлантирмоқда.

Шарофиддин Исматов,
1971 йилда Нурота туманида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тугаллаган. Мутахассислиги — архитектор-қурувчи. Айни кунда Навоий капитал қурилиш инжиниринг компаниясида бўлим бошлиғи. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси.

Бу гапларни бекорга таъкидлаётганим йўқ. Сирасини айтганда, мамлакат тараққиёти ва келажаги учун масъулликни ўз зиммасига олган O`zLiDeP ҳам мустақиллик шарофати билан майдонга келди. Айни кунда унинг мавқеи ошиб, сафлари тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзимиздан қиёс. Тумандаги барча маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда фаол маслакдошларимиз бор. Биз улар кучига таяниб, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга, оммага ғоявий таъсир ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Тўлқин Имияминов, Воҳид Ибодуллаев, Шерзод Саидов, Ҳабиба Каримова, Нормамат Ҳамидов каби фаолларимиз аҳоли ўртасида бўлиб, O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишмоқда. Зеро биз шу йўл билангина жамият ҳаётига таъсир ўтказишимиз, омма ишончини тўла қозонишимиз мумкин. Ишонч эса инсонга руҳий қувват бахш этувчи улуғ неъматдир.

ТАЖРИБА ва кузатиш донишмандликнинг туганмас булоғидир

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

ШАРҲЛАР

Ҳиндлар ўзбек бозорида

«Жаҳон» АА мухбирининг хабар беришича, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК раиси Р.Рўзиқулов бошчилигидаги делегация аъзолари Деҳлида Ҳиндистон енгил саноат давлат вазири И.В.К. Илангован билан учрашдилар. Мулоқот чоғида ўзбек делегациясининг ушбу ташрифи Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар кенгайиб бораётгани натижаларининг бири эканлиги таъкидланди.

И.В.К. Илангован Ҳиндистондаги «Спинтекс Индастриз» компаниясининг ўзбек бозорига киришидан, яъни мазкур компаниянинг Ўзбекистон енгил саноат жабҳасига 81 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритгани ҳолда мамлакатдаги замонавий корхоналардан бирининг эгасига айланганидан мамнуният изҳор этди. У ўзининг Ўзбекистонга ташрифлари чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганини қайд этар экан, Ҳиндистон мамлакатимиз енгил саноат соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш борасида кўмаклашишга тайёр эканини маълум қилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон енгил саноати сармоявий имкониятларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот қатнашчилари «Ўзбекенгилсаноат» ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари, жабҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора- тадбирлар, шунингдек, чет эллик сармоядорларга яратилган қулайлик ва имтиёзлар билан танишдилар.

Тақдимот доирасида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ҳамда «Текспросил» (Енгил саноат маҳсулотлари экспортини йўналтириш бўйича Кенгаш) ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланди.

Вьетнам ва Россия ўртасида табиий газ етказиб бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Улар Вьетнам газ транспорти инфратузилмаларини ривожлантириш, ер остида газ сақланадиган иншоотлар қуриш ва зангори оловни учинчи мамлакатга ҳамкорликда экспорт қилишни кўзда тутади.

Бу етарли эмас...

Президент Владимир Путин эса Ханойда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Россия мазкур мамлакат иқтисодиётига бир неча миллиард доллар миқдорида сармоя киритишга тайёр эканини айтиб, Вьетнам халқини мамнун этди. Путиннинг сўзларига кўра, икки давлат ўртасида телекоммуникация, металлургия, агросаноат мажмуаси ва транспорт соҳаларида ҳам кенг ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мумкин.

Владимир Путин рақамларни тилга олар экан, 2005 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард долларни ташкил қилганини, аммо бу кўрсаткичлар имкониятлар даражасидан пастлигини таъкидлади. Ваҳоланки, яқин вактларгача душман мамлакат сифатида кўрилган АҚШнинг Ханой билан товар айирбошлаш ҳажми 10 млрд. доллардан ошади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Nasdaq Лондон биржасини сотиб олмоқчи



Американинг Nasdaq фонд биржаси яна Лондон фонд биржасини сотиб олишга уринмоқда. Америкаликлар бу сафар 5,1 млрд доллар таклиф этишаётир. Шундай қилиб, Nasdaq биринчи трансатлантик биржани яратиш ниятида.

Шундоқ ҳам Лондон фонд биржасининг 25 фоиз акциясига эга бўлган Nasdaq биржанинг ҳар бир акцияси учун 23,56 доллардан тўлашни тавсия этмоқда. Агар томонлар келишувга эришсалар, энг кўп компания рўйхатга олинган биржа дунёга келади. Мазкур 6400 дан ортиқ компаниянинг бозор қиймати 11,8 триллион долларни ташкил этади. Ҳар куни 7,4 млрд долларлик акциялар сотилиши ва сотиб олинишини назарда тутсак, биржа янги рекордларни забт этиши мумкин. Бироқ Лондон биржаси ҳозирча хориждан бўлаётган ҳар қандай таклифларни рад этаяпти. Охирги пайтларда Нью-Йорк, немис фонд биржалари, Австралиянинг Macquarie инвестицион банки ва Euronext биржалари ҳам ЛФБни сотиб олишга қизиқиш билдиришган.

ДАЛИЛЛАР

Қолоқлик домида

Дунё ЯИМ ўсишининг 50 фоизи Осиё-Тинч океан минтақаси ҳиссасига тўғри келаётганига қарамай, Осиёда ҳамон 700 миллион одамнинг кунлик сарф-харажати 2 доллардан ошмаяпти. Бу ҳақда БМТ Савдо ва тараққиёт конференциясининг (ЮНКТАД) бош котиби Супачай Паничпакди маълум қилди.

"Сўнгги беш йилда Осиё-Тинч океан минтақасининг дунё ЯИМ ўсишидаги улуши 50 фоизга етди, бу эса минтақани дунё иқтисодиёти локомотивига айлантирмоқда." — дея таъкидлади Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотининг Ханойдаги саммитида чиқиш қилган Супачай Паничпакди.

Бироқ унинг сўзларига кўра, мана шундай шиддатли иқтисодий ўсиш ҳам маҳаллий аҳоли учун керакли иш ўринларини яратиб бера олмаяпти. Фақат маълумотли кишиларгина иш топиш имконига эгадирлар.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси 1964 йилда ривожланаётган мамлакатларда савдо ва иқтисодий тараққиётни тезлаштириш учун ташкил этилган эди.

Нью-Йорк қашшоқларига Венесуэла ёрдам бермоқда

Нью-Йоркнинг Бронкс тумани фуқаролари Венесуэладан келган ёнилғи ортилган биринчи машинани қизғин қарсаклар билан кутиб олишди.

Венесуэла расмийлари Нью-Йоркка 100 миллион литр ёнилғини арзон нархларда етказиб бераяпти. Улардан қиш изғиринларида хонадонларни иситишда фойдаланилади. НТВнинг хабар беришича, дастур Америка сиёсатчилари орасида кескин баҳсларга сабаб бўлди. Улардан айримлари Бронкс амалдорларини Уго Чавес ҳукумати билан ҳамкорлик қилаётганликда айбладилар. Чунки икки давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатни дўстона деб бўлмайди. Бироқ машинани кутиб олганлар орасида кам таъминланган фуқаролар сиёсий келишмовчиликларда азият чекмасликлари кераклигини таъкидлаган Конгресс вакиллари ҳам бор эди.

ВОҚЕАЛАР,

XX асрнинг энг яхши қуроли

Military Channel телеканали АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий экспертлари орасида ўтказилган сўровга таяниб, йигирманчи асрнинг энг яхши қуроли рейтингини тузди.

Ўқотар қуролларнинг барча модели бешта тасниф — нишонга аниқ тегиши, жанговар самарадорлиги, конструкциянинг оригиналлиги, хизмат кўрсатишнинг қулайлиги ва давомийлиги бўйича баҳоланган. Барча тасниф бўйича энг юқори баллни афсонавий АК-47 (АКМ) автомати олган. 75 миллион дона ишлаб чиқарилган автомат билан ўнлаб мамлакатлар армияси қуроллантирилган бўлиб, уни дунёнинг барча мамлакатларида учратиш мумкин.

«Қора қитъа»нинг навбатдаги бўлиниши

АҚШ, Хитой, Россия ва Европа Иттифоқи раҳбарларининг Африкага ташрифлари ва бу мамлакатлар билан имзолаётган энергетик ва ҳарбий келишувлари кузатувчилар томонидан "қора қитъа"нинг навбатдаги тақсимоти, дея баҳоланмоқда.

Масалан, Хитойнинг барча бўғиндаги йирик раҳбарлари 2004 ва 2006 йиллар мобайнида Африка мамлакатларида бўлишди. Хитой АҚШдан кейин Африка нефтини импорт қилувчи иккинчи энг йирик мамлакатга айланди, дейиш мумкин. Бу мамлакат компаниялари Судан, Чад, Ливия, Габон ва Нигерия нефть конларини ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқдалар. Африкада ҳаммаси бўлиб 80 минг атрофида хитойлик ишчи ва мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Хитойнинг "қора қитъа" мамлакатлари билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилда 37 млрд. долларни, киритган инвестициялари 1,07 млрд. долларни ташкил этган. АҚШ ҳам Африкани энергия захиралари манбаларидан бири, деб билади. Агар 1993 йилгача АҚШнинг Африкага киритган сармояси 5,5 млрд. долларга етган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 20 млрд. доллардан ошиб кетди.

Forbes журнали 1000 от кучига эга бўлган Bugattiни йилнинг энг қимматбаҳо (1 млн. 200 минг доллар) автомобили сифатида эътироф этди.

Саҳифани Абдували СОЙИБНАЗАРОВ ва Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ тайёрладилар.

СЎНГГИ САҲИФА

ШОН-ШАВКАТ юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир

ОБУНА - 2007



БОКС

Жаноб Валуев, сизнинг чиқишингиз!

РУСЛАН АҚШЛИК ЖОН РУИСНИ ЕНГДИ. НАВБАТ...

Профессионал боксчимиз Руслан Чагаев 18 ноябрь куни Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтказилган жангда рингга АҚШ байроғи остида чиққан (асли пуэрто-риколик) Жон Руис устидан ғалаба қозониб, WBA йўналиши бўйича энг оғир вазн тоифасида Николай Валуевга тегишли чемпионлик унвонига даъвогарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

■ Шухрат ХЎЖАЕВ

— Валуевнинг кейинги жанги келаси йилнинг январига мўлжалланган. Бироқ бу пайтга қадар Руслан Чагаев етарли даражада тайёргарлик кўра олмаслиги аниқ, — деди Universum Box Promotions промоутерлик компанияси бошлиғи Клаус Петер Коль мазкур жанг ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан. — Бироқ нима бўлганда ҳам, ўзбекистонлик боксчи расман "даъвогарлик" мақомини қўлга киритди. Демак, қачон бўлишидан қатъий назар, учрашув албатта ташкиллаштирилади.

Эслатиб ўтиш жоиз: дастлабки икки раундда имкониятни бой берган спортчимиз кейинги бўлимларда нафақат рақибини ҳовуридан тушириб қўйди, балки аниқ зарбалар берган ҳолда (10-раундгача Чагаев кетма-кет еттита бўлимни ўз фойдасига якунлади) жангда тўлиқ устунликка эришди. Учрашув тугашига икки-уч раунд қолганида Руиснинг фаоллашгани, Чагаевнинг эса хотиржамликка берилгани кўриниб қолди. Шундай бўлса-да, умумий ҳисобда зафар кучганини сезган Руслан ҳал қилувчи бонг урилиши билан қўлларини ғолибга хос тарзда баланд кўтариб қўйди. Кўп ўтмай, унинг адашмагани маълум бўлди. Ҳакамларнинг икки нафари жангда ҳамюртимизнинг қўли баланд келганини (117-111 ҳамда 116-112 ҳисобларда) қайд этди. Учинчиси эса, аксинча, ғалабани Руисга (115-114) лозим кўрди.

Жангни диққат билан кузатиб борган Николай Валуев учрашувдан сўнг журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, натижа уни ҳайрон қолдирмаганини, ўз навбатида унвонини ҳимоя қилишга тайёр эканини таъкидлади. "Чагаев Руисни икки-уч раунд фарқ билангина енга олди, холос", — деди чемпион.

Шу ўринда ўта оғир вазн учун ўртача ҳисобланган кўрсаткичлар (бўйи — 185 см., вазни — 104 кг) билан мағлубиятсиз учрашувлар сонини 23 тага етказган "Оқ Тайсон"нинг 213 см. бўй ва 151 кг. вазнга эга Валуевга қарши ўтказадиган учрашуви осон кечмаслигини айтиб ўтиш лозим. Зеро "Шарқлик маҳлуқ" номи билан танилган россиялик боксчининг қайд этган натижалари (Н.Валуев фаолияти давомида ўтказган 46 та жангнинг барчасида ғалаба қозонган) гавдасига мос эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ТАРМОҚ

Интернетчилар сони миллиарддан ошди

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси томонидан тайёрланган "Информацион иқтисодиёт тўғрисидаги маъруза"да айтилишича, жаҳон миқёсида интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони айни пайтга келиб, 1 миллиарддан ошиб кетган.

Ҳужжатда таъкидланишича, жорий йилнинг бошида аввалги йилнинг шу пайтидагига нисбатан глобал тармоқ билан ишлаш имкониятига эга бўлганларнинг сони 19 фоиз ошиб, жами 1 млрд. 20 млн. 610 мингдан кўпроқдир. Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони бўйича биринчи "учлик"ка АҚШ (200 млн.га яқин), Хитой (111 млн.) ва Япония (85,29 млн.) мамлакатлари кирган.

Бу борада МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари орасида биринчи (дунё миқёсида эса ўн биринчи) ўринни эгаллаган Россияда "ҳадсиз тўр" мижозларининг сони 2005 йилнинг охирида салкам 22 млн. кишига етган бўлса, кейинги ўринлар ҳозирча Украина (4,5 млн.) ва Белоруссияга (3,4 млн.) тегишли бўлиб турибди. Интернетнинг Ўзбекистондаги "ихлосманд"ларига тўхталадиган бўлсак, маълумотларга мувофиқ, юртимизда бутунжаҳон тармоғининг кенг кўламли имкониятларидан 1 млн.дан ортиқ киши фойдаланиб турибди.

ЭЪЛОН

Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати сектори мудири **Нуриддин Суюнбаевич ИСРОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, барча қавм-қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати сектор мудири **Нуриддин Суюнбаевич ИСРОИЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати сектори мудири **Нуриддин Суюнбаевич ИСРОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Бектемир тумани кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, "Нерудник" ОАЖ бошқаруви раиси Рауфхон Шариповга падари бузруквори **Аслапхон ҳожи ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Моваройнаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ОБ-ҲАВО

23-29 ноябрь кунлари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда ҳавонинг очиқ бўлиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати кечаси 4-2 даража совуқ, кундузи 4-7 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво кузатилади. Ҳарорат кечаси 1-4 даража совуқ, кундузи 8-13 даража илиқни ташкил этади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийсида янги ҳафтанинг дастлабки кунлари ёмғир аралаш қор ёғади. Ҳарорат кечаси -3+4, кундузи +6+10 даражадан ошмайди.

Тошкентда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси +3+6, кундузи +6+9 даража атрофида бўлади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

27 ноябрь-3 декабрь

ҚЎЙ. Ошқозонингиз фаолияти яхшиланишини истасангиз, парҳез қилинг. Ҳафта ўртасида ҳамкорларингиздан манфаатли таклифлар тушади. Шундай бўлса-да, бирор тўхтамга келишдан аввал обдон ўйлаб кўринг. Шанба кунидаги муваффақиятлар боис, обрўйингиз янада кўтарилади.

БУЗОҚ. Анча аввал бошлаган хайрли ишингизни сешанба куни якунлайсиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстларингиз билан бирга сафарга чиқишингиз кутилмоқда. Дам олиш кунлари фарзандингиз эришган ютуқдан бошингиз осмонга етади.

ЭГИЗАКЛАР. Чоршанба куни мижозларингиздан катта буюртмалар олиб, раҳбарият олқишига сазовор бўлсангиз ҳам ўзингизни камтар тутишга ҳаракат қилинг. Эртаси куни фирибгарлар алдовига илиниб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Душанба куни бир томондан соғлиғингиз панд берса, бошқа томондан молиявий муаммоларга дуч келасиз. Шундай бўлса-да, нафақат сизга, балки атрофингиздагиларга ҳам хуш келмайдиган тушкун кайфият чоршанба кунига бориб сизни тарк этади.

АРСЛОН. Келаси ҳафтада кўпроқ соғлиғингиз ҳақида қайғуринг. Ўзингизни уринтирманг. Катта куч талаб этадиган ишлардан воз кечинг. Нарса харид қилаётганингизда арзон нархга учманг. Шанба куни сизни таклиф этишган жойга, имкон бўлса, шерик топиб боринг.

ПАРИЗОД. Ҳафта давомида ҳаётингизда қатор янгиликлар содир бўлади. Жумладан, сешанба куни техника жиҳозларини харид қилишингиз, жума куни эса янги уйга кўчиб ўтишингиз кутилмоқда. Янги қўшниларингизнинг шартларига кўнганингиз маъқул.

ТАРОЗИ. Чоршанба куни билим ва истеъдодингизни намоён этиш учун қулай имкониятлар пайдо бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида чўнтагингизга пул тушади. Маблағни, биринчи навбатда, ишбилармонларга мос кийимлар харид қилишга сарфланг. Боиси — якшанба куни мартабали инсонлар билан учрашишга тўғри келади.

ЧАЁН. Сешанба куни корхонангизнинг ишларини орқага тортаётган ходимингизнинг кирдикорларидан воқиф бўлгач, айбдорга нисбатан чора кўраётганингизда кўнгилчанлик қилманг. Зеро унинг жазоланиши бошқалар учун сабоқ бўлсин. Омадли якшанбани зўр тантаналар билан қарши олишингиз кутилмоқда.

ЎҚОТАР. Транспорт воситаларини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш чоғида ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Уйингизга гриппга қарши қўлланилувчи дориларни олиб келиб қўйинг. Пайшанба кунини анчадан буён кўришмаган яқинларингиз даврасида ўтказасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта мобайнида кетма-кет ғалабаларга эришишингиз кутилмоқда. Жумладан, сешанба ёки чоршанбада азалий рақибингиз мағлубиятга учраганини тан олиб, сиздан кечирим сўрайди. Жума куни эса нафсингизни тийиб, катта фалокатдан қутулиб қоласиз.

ҚОВҒА. Шанба куни ҳаётингиздаги энг жиддий имтиҳонлардан бирини топширасиз. Шу боис ҳафта давомида бор эътиборингизни ана шу синовга тайёргарлик кўришга қаратинг. Аммо бу орада узоқдан келган танишларингизнинг ҳол-аҳволидан хабар олишни унутманг.

БАЛИҚ. Ишга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг. Акс ҳолда яхшигина даромаддан қуруқ қоласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида уйингизга нозик меҳмонлар келиши кутилмоқда. Ишқ ўтида ёнаётганлар шанба куни ўзлари ёқтирган инсонларнинг васлига етишадилар.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ
361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ
361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИЕВ, Ш. РАҲИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1367
Тираж: 11755

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ
ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71; 361-33-80
Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com

РАҚОБАТБАРДОШ маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ечишда банклар ажратаётган кредитлар ҳаётий аҳамиятга эгадир

ИҚТИСОДИЁТ

Ҳам баҳо, ҳам ҳимоя

КРЕДИТ АХБОРОТИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА ҚАРЗ ОЛУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Марказий банк ҳузурида Кредит ахбороти миллий институти ва Банклар ассоциацияси қошида Банкларарo кредит бюроси ташкил этилди.

Хўш, мазкур тузилмаларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Ўтган икки йил давомида бу борада қандай натижаларга эришилди? Мухбиримиз Марказий банк Кредит ахбороти миллий институти директори ўринбосари Жаҳонгир ОБИДЖОНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

Насиба ИСМАТОВА суҳбатлашди





— Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк тизимидаги ислоҳотлар республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Молия интизомини мустаҳкамламасдан, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтирмасдан туриб, молиявий муассасаларнинг барқарорлигини таъминлаш, улар билан иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаб бўлмайди.

Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилингани айни муддао бўлди ва амалда мамлакатимизда қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш имконияти юзага келди. Мамлакатимизда МДҲ давлатлари ичида биринчилар қаторида кредит ахборотларини ҳисобга олишнинг икки поғонали тизими пайдо бўлди. Яъни Марказий банк ҳузурида Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) ва Банклар ассоциацияси қошида Банкларарo кредит бюроси (БКБ) фаолият кўрсата бошлади.

— Энди институтнинг ўтган икки йиллик фаолияти тўғрисида батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Юқорида таъкидлаб ўтилган қарорга асосан институтимиз тижорат банклари ва уларнинг кредит операциялари ҳамда томонларнинг ўзаро мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, Марказий банк томонидан банк назорати функцияларини амалга ошириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш, шартнома асосида тижорат банкларига ва кредит ахбороти бюроларига кредит маълумотларини тақдим этиш каби вазифаларни амалга оширмоқда.

Институт томонидан банклардан маълумотлар олиш ёки реестрдан ахборотлар тақдим этиш жараёни банк сири тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилган ҳолда бажарилади, яъни бу иш барча тижорат банкларида банк кенгаши қарорига асосан тайинланган кредит бўлимининг ваколатли ходими орқали амалга оширилади. Яна бир муҳим томони — ҳар бир кредит олувчининг алоҳида реестри юритилади. Айни пайтда КАМИ маълумотлар базасида 400 мингга яқин кредит, лизинг ва факторинг шартномалари тўғрисидаги маълумотлар сақланмоқда. Кредит операциялари бўйича ахборот алмашинувида республикамиз тижорат банкларининг барча филиаллари қатнашиб, улардан иш куни давомида ўрта ҳисобда 15 мингдан зиёд кредит операциялари ва мингдан ортиқ кредит шартномалари тўғрисидаги маълумотлар қайта ишланади ва электрон ахборот базасига киритилади. Институт томонидан охирги уч ой мобайнида тижорат банкларининг потенциал қарз олувчилар тўғрисидаги электрон сўровларига асосан 20 мингдан ортиқ маълумот берилган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари учун потенциал қарз олувчиларнинг кредитни қайтариш қобилияти тўғрисидаги дастлабки хулосани чиқариш имконини яратди.

Маълумки, 2005 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда КАМИнинг тижорат банклари кредит портфели ҳолатини таҳлил қилиш ва банк назорати чораларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Адлия вазирлигида 2004 йил 1 июлда 1379-сон билан рўйхатга олинган "Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банкларарo кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотлари тақдим этиш тартиби тўғрисида"ги низомни юқоридаги қарор талабларига мувофиқ янги таҳрирда ишлаб чиқди ҳамда 2006 йил 18 апрелида давлат рўйхатидан ўтказди.

— Юқорида Банкларарo кредит бюроси ҳақида ҳам тўхталиб ўтдингиз. Айтинг-чи, бюро фаолияти институтникидан қай жиҳатлари билан фарқланади? Умуман ушбу икки муассаса фаолияти бир-бирини такрорлаб қўймайдими?

— Тўғри, бир қарашда уларнинг фаолияти бир хилдек туюлади. Лекин аслида ундай эмас. Юқорида зикр этилган қарорда Банкларарo кредит бюроси тижорат банклардан қарз олувчилар — жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида уларнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини яратиш ҳамда ахборотларни таҳлил қилиш, реал сектор корхоналари фаолиятини ўрганиш ва қарз олувчиларни рейтинг баҳолаш тизимини шакллантириш, шартнома асосида банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни беришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Банкларарo кредит бюроси ўз фаолиятини бевосита Кредит ахбороти миллий институти ва мамлакатимиз тижорат банклари билан шартнома асосида олиб боради ва белгилаб қўйилган тартибда ўзаро ахборот алмашиб туради.

— Бошқа давлатларда бу иш қай тартибда йўлга қўйилган?

— Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи кредит ахборотларини ҳисобга олиш тизими ривожланган давлатларда кредит бюролари томонидан амалга оширилади. Бундай бюролар дастлаб истеъмол кредитлари бозорига хизмат қилиш мақсадида Америка ва Буюк Британияда ташкил этилган. Вақт ўтиши билан улар потенциал қарз олувчилар — тадбиркорларнинг кичик субъектлари бўйича ахборотлар алмашинувини йўлга қўйдилар. Масалан, дунёда энг катта саналган "Experian" (Англия) компанияси 18 давлатда ўз бўлимларига эга бўлиб, қарз олувчилар тўғрисидаги ахборотларни йиғади ва сотади. Ёки Германияда 40 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган "Shufa" кредит бюроси потенциал қарз олувчи юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва тақдим этиш бўйича жуда катта тажрибага эга.

Шунингдек, АҚШда "Lenders Credit Services", Италияда "EXPERIAN SCOREX", Туркияда "SABAS", Чехия CCB (Czech credit bureau), Мексикада "Trans Union", Австралия ва Янги Зеландияда "Baycorp Adventege" каби кредит бюролари энг нуфузли ахборот алмашиш муассасалари ҳисобланади.

Аксарият давлатларда бундай бюролар банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган, қабиҳ ниятли корхоналарга, ўз манфаатини устун қўювчи шахсларга кредит беришдан ҳимоя қилувчи механизмга айланган. Улар тижорат банкларига қарз олувчининг бошқа банклардаги қарздорлиги ҳақида, раҳбарлари, молиявий ҳолатига доир маълумотлар ва бошқа ахборотларни етказиб, потенциал қарз олувчиларнинг кредитни қайтариш қобилияти тўғрисида ҳаққоний баҳо берадилар.

— Ахборот алмашиш тизимини татбиқ этиш, қарз олувчиларнинг тарихини шакллантириш, кредит ахборотлари ҳисобини юритиш республика иқтисодиёти учун нима беради?

— Бундан фақат банк тизими эмас, балки мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт субъектлари ҳам фойда кўради. Биринчидан, потенциал қарздор тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган банк ўзининг кредит ресурсларини фақатгина кредит тарихи яхши субъектларга йўналтиради. Шу тариқа кредит операциялари бўйича таваккалчилик даражаси пасайиши баробарида фоиз ставкалари ҳам камаяди. Яхши кредит тарихига эга корхоналарнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.

Иккинчидан, Банкларарo кредит бюросидан корхоналар ўз кредит тарихи ва рейтинг баҳолари тўғрисидаги тасдиқланган маълумотга эга бўлгач, ташқи инвесторлар ҳамда товар етказиб берувчилар билан яхши муносабатларни ўрнатишлари ҳамда қўшимча инвестицияларни жалб қилишлари мумкин. Салбий кредит тарихига эга корхоналар эса ўз-ўзидан бу жараёнларда қатнаша олмайдилар.

Учинчидан, истеъмол кредитлари ҳисобига республика аҳолисининг оила бюджетини молиялаш имкониятлари кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида, ички истеъмол бозорининг ривожланиши ва чакана товар айланмасининг тезлашишига олиб келади.

Ва, ниҳоят, тижорат банкларининг кредит операциялари устидан халқаро стандартлар даражасида самарали назорат олиб бориш, кредит сиёсатининг асосий йўналишларини мувофиқлаштириш борасида Марказий банкнинг имкониятлари кенгаяди.

Бир сўз билан айтганда, талаб ва таклифдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларининг ўрнатилиши, кредит маблағларининг арзонлашиши қаторида банк омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги воситалари ҳам ишга туширилиб, мамлакат кредит бозорини ривожлантириш ва банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш имкони кенгаяди.

БАНК ТИЗИМИ

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни «ALAFIA» адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

«XXI ASR» ХАТКУТИСИДАН

Ўғлимни ўз фамилиямга ўтказмоқчиман

"Турмуш ўртоғим билан 7 йилдан буён бирга яшамаймиз. У алимент тўламайди, умуман моддий ёрдам кўрсатмайди. Мен ўғлимни ўз фамилиямга ўтказсам бўладими? Бироқ расмий равишда ажрашмаганмиз. Буни қонуний амалга ошириш мумкинми?

Холида МАТЧОНОВА.
Боёвут тумани".

— Оила кодексининг 70-моддаси 2-қисмида шундай дейилган: "Агар ота-она алоҳида яшаса, бола билан яшайдиган ота ёки она ҳомийлик ва васийлик ҳайъати ёрдамида турмуш ўртоғи билан келишган ҳолда фарзандни ўз фамилиясига ўтказиши мумкин. Агар турмуш ўртоғининг турар жойи аниқ бўлмаса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, қобилиятсиз деб топилган ва бола тарбиясидан сабабсиз равишда воз кечган бўлса, бундай ҳолатларда унинг фикри инобатга олинмайди.

Агар бола 10 ёшга тўлган бўлса, фақат унинг розилиги билан исмини ёки шарифини ўзгартириш мумкин".

Рекреацион зона нима?

"Яқинда мен уйимиз рўпарасидаги хиёбон ёнидан кичик цех очиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлдим. Лекин менга тегишли идоралардан келган жавоб хатларида рекреацион зоналарда бундай объектларнинг қурилиши мумкин эмас, деб рад этишди. Айтинг-чи, рекреацион зона деганда, нима тушунилади?

Гофур МИРЗАЕВ.
Сирғали тумани".

— Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер майдонларидан фойдаланиш турларини белгилаш, аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва реконструкцияси шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексида белгилаб қўйилган.

Рекреацион зоналар аҳолининг дам олиш жойларини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, уларга шаҳар дарахтзорлари, ўрмон-боғлар, пляжлар, соҳил бўйи ва бошқа объектлар киради. Бундай ҳудудларда рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига молик объектлардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат, коммунал объектлари ва омборхоналар қурилишига ҳамда мавжуд шундай объектларнинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди.

Бўйсунмасликка ҳақингиз йўқ!

"Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Сардор ВАФОЕВ.
Бухоро шаҳри".

— Милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 199-моддасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг ярмидан то икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хуллас, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини синаб кўришни Сизга тавсия этмаймиз.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

ВАЗИЯТГА НАЗАР

КЕЧАГИ куннинг хатоларини таҳлил қилиш билан биз қайта хато қилмасликни ўрганамиз

ОГРИҚ НУҚТА

Қарор қатъий эмас, ер қайтарилсин!

- ФЕРМЕР ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИГА «ҚАРИНДОШ»МИДИ?
- «ЭГАМБЕРДИ ОТА» ЎРНИГА КОРХОНА ТОВОН ТЎЛАДИ.
- ҲОКИМ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ, ЧУНКИ...

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис кўплаб тадбиркор ва ишбилармонлар бу имкониятдан фойдаланиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

■ **Юсуф НАЗАРОВ, Қашқадарё вилоят хўжалик судининг раиси**

А. МУРОДОВ олган сурат

"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонига асосан суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилмоқда.

Бундан мақсад жойларда қонунчилик амалиётини мустаҳкамлаш, кичик бизнес тараққиёти учун янада кенгроқ йўл очишдир. Аммо сўз бошқаю иш бошқа деганларидек, айрим фермерларимиз ўз манфаатларини кўзлаб, қимматбаҳо бойлигимиз — ернинг умрини беҳуда ўтказишга сабаб бўлмоқдалар. Хусусан Касби туманидаги "Азизова Зебо" фермер хўжалиги шартномага асосан "Дунё - М" очиқ акциядорлик жамиятига 51 тонна ғалла етказиб бериши керак эди. Фермернинг ўз имкониятларини ҳисобга ололмагани, "адашиб" фермерликка қўл ургани боис, шартнома мажбуриятлари бажарилмай қолиб кетди. Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси Қарши шаҳар "Дунё - М" ОАЖ манфаатларини кўзлаб, фермердан жарима ундириш ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-1-моддасига асосан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Фермер хўжалигига нисбатан ҳал қилув қарори чиқарилди...

Кредитни қўлга киритган фермер уни қайтариш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Оқибатда корхона банкка 10649385 сўм жарима тўлашга мажбур бўлади, бу ҳам етмаганидек, фермернинг айби билан корхонага 2384682 сўм миқдорида моддий зарар етказилади.

Албатта шахсий мулк эгаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Таассуфки, банклар томонидан ажратилаётган кредит маблағларидан ҳамма ҳам мақсадли фойдаланмаяпти. Муборак туманидаги "Эгамберди ота" фермер хўжалиги банкдан кредит олиш учун "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонасидан кафилликка ўтишни сўрайди. Корхона билан "Ўзсаноатқурилишбанк" Муборак туман филиали ўртасида имзоланган кредит шартномасига асосан фермер хўжалигига ўн фоизли ставка билан 1,5 йил муддатга 35 миллион сўм миқдорида кредит берилади. Бунда фермер ушбу кредитни ўз вақтида қайтариш ва тегишли миқдорда фоиз тўлаш, кафил эса, ўз навбатида қарз қайтарилмаган тақдирда фермер ўрнига кредит ва фоизларни банкка тўлаш мажбуриятини олади. Кредитни қўлга киритган фермер уни қайтариш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Оқибатда корхона банкка 10649385 сўм жарима тўлашга мажбур бўлади, бу ҳам етмаганидек, фермернинг айби билан корхонага 2384682 сўм миқдорида моддий зарар етказилади. Суд мажлисида вазиятга аниқлик киритилиб, зарар миқдори 1 миллион сўмга камайтирилди. Шундай қилиб, Муборак туманидаги "Эгамберди ота" фермер хўжалигидан корхонага 10649385 сўм асосий қарз, 1 миллион сўм зарар ундириб берилди.

Айни кунда очиқ тендер танлови асосида кўплаб фермерларга ер майдонлари ажратилмоқда. Бироқ айрим "учар" фуқаролар бундан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Қарши туманидаги "Шарипов Жобир Русланович" фермер хўжалигига ер майдони ажратилиши учун "Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти"нинг расмий хати асос бўлади. Ваҳоланки, жамиятга фермер хўжалигининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қарши туман ҳокимининг 2005 йил апрелдаги Х-471/4 сонли қарорида тумандаги "Чўли ота" қишлоқ хўжалик кооперативи ҳудудидан фермер хўжалигига танлов асосида 22,7 гектар ер майдони ажратилганлиги қайд этилган. Кейин маълум бўлишича, бу лойиҳа бўйича ҳеч қандай танлов ўтказилмаганлиги аниқланди. Фермер судга тендер комиссияси баённомаси ва бошқа ҳужжатларни тақдим этолмади. Тўғри, Ж. Шаропов фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 23 гектар ер майдони ажратишни сўраб, туман ҳокимлигига ариза берган. Бироқ унинг аризаси рўйхатга олинмаган. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси 1,3,4-қисмларига зид равишда қандай қилиб фермерга ер ажратилганлигини тушуниш қийин эмас, албатта.

Суд қарорига асосан Қарши туман ҳокимининг 2005 йил апрелдаги Х-471/4 сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ва тарафлар ўртасида 2005 йил 8 апрелда тузилган "Ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисида"ги шартномани бекор қилиш ҳамда "Шаропов Жобир Русланович" фермер хўжалиги учун "Чўли ота" қишлоқ хўжалик кооперативи ҳудудидаги 163-контурдан ажратилган 22,7 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтарилди.

Қонун барча учун баробар, албатта. Вилоятда юзлаб, минглаб фермерлар ҳалол йўл билан ўз оиласи, қишлоғи, тумани иқтисодиётига ҳисса қўшмоқда. Мамлакат ривожига улуш қўшиб, ўз юзини ёруғ қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билган, зиммасидаги масъулият туйғусини тўла ҳис этадиган фермер ҳеч қачон зарар кўрмайди, бошқаларга ҳам муаммо туғдирмайди, албатта. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, фермерлик ҳаракатини янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

ФОТОАЙБНОМА

Бозорқўм учун бозор иккинчи даражалими?

Бозорга йўли тушмайдиган одам бўлмаса керак. Лекин бозорда ҳам бозор бор-да. Дейлик, истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқимизни яхши биламизми? Афсуски, йўқ. Арзонлигига учамизу, дуч келган жойдан дуч келган маҳсулотни харид қилаверамиз.

■ **Биродар Кимсан**

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган "Авиасозлар" деҳқон бозори (ОАЖ)да бўлганимизда, ана шундай ташвишли манзарага дуч келдик. Кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан деҳқон бозорларида савдо-сотиқни тартибга солиш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган бўлсада, жойларда уларга қатъий амал қилинмаётир. Акс ҳолда юқоридаги тартибсизликни қандай баҳолаш керак?

Атир-упаю бир марта кийишга ярайдиган кийим-кечаклар дуч келган ерга ёйиб ташланган. Энг ачинарлиси, бирортасининг лицензияси йўқ. Бозорқўм жойлашган бино олдида эса қўлбола гумма ва хот-дог каби пишириқлар савдоси авжида. Улар санитария-гигиена талабларига жавоб берадими, йўқми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Биз бозор остонасига қадам босишимиз билан "сотувчи"лар қоп-хуржунларини кўтариб, дуч келган ёққа қоча бошлашди. Бу вақтинчалик ҳолат эканини сезиб турардик. Зеро кўп ўтмай ҳаммаси жой-жойига тушишини, савдо-сотиқ аввалгидек давом этаверишини ким билмайди, дейсиз!

Бозор мутасаддилари билан гаплашсангиз, мавжуд ҳолатга минг битта баҳонани рўкач қилиб кўрсатишади. Масъулиятсизлик ҳам эви биланда! Туман СЭСи, солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими, қолаверса туман ҳокимлиги мутасаддилари қаёққа қарашаяпти? Наҳотки бозорда тартиб ўрнатиш, савдо-сотиқ жараёнини изга солиш улар учун иккинчи даражали иш бўлса?!



ЭЪЛОН

"AGROBRIKS" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларнинг 2006 йил 20 октябрдаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятни "OSIYO EKSPRESS" ЁАЖга қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилади.

"AGROBRIKS" МЧЖ қонунда белгиланган тартибда ва муддатда қайта ташкил этилган санадан бошлаб унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига ворислик "OSIYO EKSPRESS" ЁАЖга ўтади.

Барча талабнома ва эътирозлар ушбу эълон матбуотда чиққан кундан эътиборан 30 кун давомида Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод қўрғони, Усмон Юсупов кўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

•••

"SOHIBKOR" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларнинг 2006 йил 20 октябрдаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятни "OSIYO EKSPRESS" ЁАЖга қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилади.

"SOHIBKOR" МЧЖ қонунда белгиланган тартибда ва муддатда қайта ташкил этилган санадан бошлаб, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига ворислик "OSIYO EKSPRESS" ЁАЖга ўтади.

Барча талабнома ва эътирозлар ушбу эълон матбуотда чиққан кундан эътиборан 30 кун давомида Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод қўрғони, Усмон Юсупов кўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

"Сурхондарёаукцион" жамияти навбатдаги очиқ турдаги, нархи юқорилаб борувчи кимошди савдоси шу йилнинг 25 декабрь куни соат 10.30 да жамият биносида ўтказилишини маълум қилади. Ушбу савдога Термиз тумани "Дўстлик" ширкат хўжалиги балансидаги, хўжалик ҳудудида жойлашган ёнилғи таъминоти биноси жиҳозлари билан биргаликда қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 4.800.000 сўм.

Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлганлар "Сурхондарёаукцион" жамияти ҳисоб рақамига кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза топшириб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат аввал тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил:
Термиз шаҳри,
М. Қаҳҳор кўчаси, 10-"А"уй.
Телефон: 781-15-14, 781-16-15.
Автомат жавобидан сўнг
808, 807, 809 рақамлари терилади.

МАҚСАДСИЗ ҳеч нарсага эриша олмайсан, мақсадинг катта бўлмаса, буюк иш қилолмайсан

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВЬЕТНАМ

Ханой саммити

РОССИЯНИНГ БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШИГА ЙЎЛ ОЧГАН БЎЛСА, АҚШ ЎРТАГА ҚЎЙГАН ТАЛАБЛАРНИ ҚОНДИРА ОЛМАДИ

Вьетнам пойтахти Ханойда бўлиб ўтган Осиё-Тинч океани минтақасида ҳамкорлик ташкилотининг (ОТҲТ) 14-саммитида яна бир карра манфаатлар, қарашлар тўқнаш келди, деб бемалол айтиш мумкин. Йигирмадан ортиқ давлат раҳбарлари жаҳон сиёсатининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилган мазкур саммитда асосий эътибор яна Шимолий Корея ядро дастурига қаратилган бўлса, иккинчи муҳим масала Россия ва АҚШ ўртасида Москва учун Бутунжаҳон савдо ташкилоти эшикларини очувчи протоколнинг имзолангани бўлди.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ

Маълумки, ОТҲТ "совуқ уруш" тугаганидан сўнг Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ва Тинч океанга туташ мамлакатлар ўртасида тузилган бўлиб, у ҳатто Россия ва АҚШни ҳам ўз ичига олади. Ушбу форум минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, ҳамкорлик ва мулоқотни кучайтиришни ўзининг бош мақсади қилиб белгилаганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бу ҳудудда ривожланиш суръати ниҳоятда юқори бўлиб, мутахассисларнинг XXI асрда дунёнинг савдо-иқтисодий ва сиёсий маркази шу ерга кўчиши мумкинлиги ҳақида башоратлари бежиз эмасга ўхшайди. Чунки мазкур ташкилот жуда улкан лойиҳаларни амалга оширишни кўзламоқда — 2020 йилга бориб, бу ерда йигирмадан ортиқ ривожланган ва ривожланаётган давлатларни бирлаштирувчи дунёдаги энг йирик эркин иқтисодий зона ташкил этиш режалаштирилган. Ҳатто Европа Иттифоқи ҳам бу ердаги интеграция жараёнларини катта қизиқиш ва айни пайтда хавотир билан кузатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бундай умумий бозор ЕИ учун жуда жиддий рақиб пайдо бўлаётганидан далолатдир. Бу ўринда гуркираб ривожланаётган биргина Хитой иқтисодиётини тилга олишнинг ўзи кифоя, бизнингча.

Яна бир мулоҳаза. Саммит иштирокчиларининг сиёсий тузум жиҳатидан ҳам, иқтисодий ривожланиш жиҳатидан ҳам бир-бирларидан кескин фарқ қилишлари саммит давомидаги музокараларнинг қизғин баҳслар билан ўтишига сабаб бўлди.

Масалан, АҚШ президенти Жорж Буш Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича саммит муносабатини ифодаловчи якуний ҳужжат — "Ханой декларацияси"ни қабул қилиш учун кўп бора ҳаракат қилди. Буш жаноблари Жанубий Корея президенти Но Му Хен ва Японияннинг янги бош вазири Синдзо Абэ, шунингдек, ОТҲТга аъзо етти ASEAN (Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси) давлати — Бруней, Вьетнам, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин раҳбарлари билан ҳам асосан ана шу масалада музокаралар олиб борганини кузатувчилар бежиз таъкидламаётирлар. Гап асосан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1718-резолюциясида кўзда тутилган Пхеньянга қарши санкцияларни сўзсиз қўлланиши ҳақида борди. Эртасига эса бу, яъни АҚШ учун ўта муҳим масалани Жорж Буш жаноблари хитойлик ҳамкасби Ху Цзиньтао билан муҳокама қилди. Таъкидлаш лозимки, АҚШ Пхеньяндан нафақат ўз ядро дастуридан воз кечишни, балки Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги уруш якунланганини билдирувчи маросим ўтказишни ҳам талаб этмоқда. Ана шундагина жаҳон ҳамжамияти — АҚШ ва унинг иттифоқчилари Пхеньян билан музокаралар бошлашга тайёр бўлади. Шунингдек, Вашингтон ўз бортида оммавий қирғин қуроли ёки уни ишлаб чиқаришга сарфланиши мумкин бўлган материаллар ортилган Шимолий Корея транспорт воситаларини ҳам қаттиқ назоратга олишни талаб қилаяпти (бу модда 1718-резолюцияга чақириқ тарзида киритилган). Гарчи Сеул АҚШ позициясини умумий тарзда қўллаб-қувватласа-да, кемаларни назорат қилишда иштирок этмаслигини маълум қилди. Чунки Жанубий Корея шимолдаги ён қўшнисининг бундай муносабатга кескин жавоб чораларини қўллаши, бу эса минтақа тинчлигига путур етказишидан хавотирда, албатта.

Маълум бўлишича, саммит якунида Шимолий Корея бўйича иштирокчи давлатлар муносабати расмий декларация матнига киритилмади. "Давлатлар раҳбарлари Пхеньян ядро дастуридан хавотирда эканликларини оғзаки баён этдилар", — дея изоҳ берди Вьетнам президенти Нгуен Минь Чиет матбуот анжуманида. Мезбоннинг сўзларига қараганда, давлатлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига қатъий амал қилиш ва олти томонлама музокараларни давом эттириш чақириғи билан чиқдилар.

Эслатиб ўтиш жоиз: расмий Пхеньян 31 октябрда — ядро синовларидан уч ҳафта ўтгач олти томонлама музокараларни тиклашга тайёр эканлигини билдирган эди. Бунда етакчи давлатларнинг ядро синовларини бирдай қоралаши ва ягона позицияда туриши муҳим аҳамият касб этди, дейиш мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, бу музокараларнинг декабрь ўрталарида бошланиши кутилаяпти.

Яна бир масала. Ханой саммити давомида Токио ўз ядро қуролини яратиши мумкинлигига ишора қилди. Илк оммавий қирғин қуролларининг бутун даҳшатини ўзида синаб кўрган Япония жамиятида аксилядро, умуман аксилуруш кайфиятидаги қарашлар жуда кучли, албатта. Лекин тарихий рақиб — Хитойнинг кучайиб бораётгани, иккинчидан қўшни Шимолий Корея ўз ядро қуроли билан атрофдагиларга таҳдид солаётган бир пайтда АҚШ кафолатлаётган хавфсизлик етарли эмас ва Япония мустақил равишда ҳарбий қудратини тиклаши керак, деган чақириқлар баъзи ёш японлар учун жозибалидек кўриниши мумкин, албатта. Иқтисодий тараққиёт ва юқори технологиялар бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан бири — Япония учун ядро қуроли яқин келажакда амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳа. Лекин бу минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка қанчалик таъсир кўрсатарди? Ҳозирча ҳеч ким бу саволга аниқ жавоб қайтармаяпти...

Энди саммит доирасидаги яна бир муҳим тадбир — Владимир Путин ва Синдзо Абэ ўртасидаги музокараларга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Янги ташкил этилган Абэ ҳукумати Япония ва Россия ўртасида ҳудудий баҳсга сабаб бўлаётган Курил ороллaридан воз кечмаслигини билдирган бўлса-да Путин-Абэ учрашувида томонлар айнан ана шу масалада музокараларга тайёр эканликларини билдирдилар.

Саммитнинг яна бир йирик воқеаси Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига (БСТ) киришига АҚШнинг розилик бериши бўлди, дея таъкидлайди халқаро кузатувчилар. Таъкидлаш жоизки, сўнгги етти йил — Жорж Буш президент бўлганидан буён АҚШ-Россия муносабатлари турли даврларни бошдан кечирди. Аввалига Буш маъмурияти Москвага ўз шартларини тиқиштиришга интилган бўлса, бунга жавобан Путин Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтира бошлади.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин эса халқаро террорчиликка қарши курашда Кремль Вашингтон томонида бўлишга қарор қилди. Ундан сўнг Ироқ ва демократия каби мавзуларда томонлар турли позицияда турдилар. Ниҳоят, Буш ўзининг иккинчи президентлиги даври якунига етаётган бир пайтда Москванинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезаётганини билдириб қўйди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, АҚШ Конгрессини демократлар эгаллади. Иккинчидан шиа жангарилари Ироқ кампаниясини бутунлай муваффақиятсизликка айлантирдилар. Афғонистонда эса толибонлар...

АҚШ ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифалари — оммавий қирғин қуролининг тарқалмаслиги, халқаро террорчиликка қарши кураш ва энергетик хавфсизликни таъминлаш Россия иштирокисиз ҳал этилмаслигини ниҳоят тушуниб етди, дейиш мумкин. Шу сабабли Буш маъмурияти Россиянинг БСТга аъзо бўлиб киришини жуда узоқ мақсадларни кўзлаб маъқуллади. Ханойда ушбу протоколни Россия иқтисодий вазири Герман Греф ва унинг америкалик ҳамкасби Сьюзэн Шваблар имзоладилар. Президентлар эса ушбу ҳужжат ҳам Россия, ҳам АҚШ ва, албатта, жаҳон иқтисодиётига фойда келтиришини алоҳида таъкидладилар.

Протоколнинг имзоланишини россиялик музокарачилар фақат ижобий ҳодиса деб баҳолаганлари табиий, албатта. Аммо ҳар қандай танганинг орқа томони борлигини ҳам унутмаслик керак. Аввало, Москва шундай протоколларни ташкилотнинг бошқа аъзолари билан ҳам имзолаши шарт. Гарчи бу борада келишувларга эришилган бўлса-да, уларни расмийлаштириш анча вақт талаб этади. Иккинчидан, БСТга аъзо бўлиш Россиянинг саноат ишлаб чиқаришига жиддий зарба бериши мумкин. Чунки аъзолик хорижлик кучли рақиб компанияларнинг ўз маҳсулотларини Россияга олиб киришларини тақиқловчи тўсиқларни олиб ташлайди. Мутахассислар бу масалада Россия қишлоқ хўжалиги ҳам зарар кўриши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Чет эл компаниялари иштироки пайдо бўладиган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида аъзоликдан фақат ютиши мумкин...

Энди Россия Коста-Рика, Гватемала, Сальвадор, шунингдек, Кремлнинг ҳозирги сиёсатидан норози бўлган Грузия ва Молдавия билан худди шундай протоколларни имзолаши керак бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, бунга тахминан бир йил муддат кетиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, БСТга аъзолик импорт товарларнинг Россия бозорларига кириб келишини осонлаштиради. Чунки уларга қўйиладиган ўртача бож етти йил давомида 11 фоиздан 7 фоизга туширилиши керак.

Шунга қарамай, россиялик дипломатларнинг Жаҳон банки манбаларига таяниб билдирган фикрларига кўра, ўрта муддатли истиқболда фақатгина савдо ҳисобидан Россия иқтисодиётига қўшимча 19 млрд. АҚШ доллар миқдоридаги маблағ кириб келади. Демак, ишлаб чиқаришда кўзда тутилаётган йўқотишлар ҳозирги глобаллашув шароитида, агар давлат жаҳон бозорида ўз ўрнини эгалламоқчи бўлса, четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ҳолатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ханойда Осиё-Тинч океан минтақасида ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити, умуман олганда, дунёнинг энг долзарб масалалари юзасидан музокаралар майдонига айланди. Бутун дунё савдо айланмасининг ярмига эга ОТҲТ иштирокчилари интеграциялашув жараёни учун хавфсизлик ва барқарорлик ҳал қилувчи роль ўйнашини якдил таъкидладилар. Навбатдаги саммит 2007 йилнинг сентябрида Австралияда бўлиб ўтади.

АҚШ

АҚШ собиқ давлат котиби Генри Киссинжер Қўшма Штатларнинг Ироқдаги ҳарбий кампанияси мағлубиятга учраётганини эътироф этди.

Киссинжер Буш сиёсатидан норози

— Агар ғалаба деганда бутун мамлакат ҳудудида фуқаролик урушини тўхтатишга қодир Ироқ ҳукуматини ўрната олиш тушунилса, у ҳолда биз мағлубиятга учраяпмиз, - деди у.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси собиқ раҳбарининг сўзларига қараганда, минтақада барқарорлик ўрнатиш учун Оқ уй маъмурияти Ироқнинг қўшнилари, шу жумладан, Эрон билан мулоқотга киришиши керак. Бундан ташқари, Киссинжер БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ва минтақанинг барча давлатлари иштирокида Ироқ масаласи бўйича халқаро конференция ўтказишга чақирди.

Айни пайтда Генри Киссинжер ҳозирги пайтда Ироқдан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш минтақадаги барқарорликни умуман издан чиқариб юборади, деб ҳисоблайди.

Ироқ урушига салбий муносабат дунёнинг бошқа қитъаларида ҳам билдирилмоқда. Индонезияга ташриф буюрган АҚШ президенти Жорж Бушни Вашингтон сиёсатидан норози ўн минглаб намойишчилар қарши олишгани бунинг яққол исботидир.

ЭРОН

Асаблар уруши

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод АҚШ ва Исроил унинг мамлакатига қарши уруш очолмайди, деб ҳисобламоқда. Эроннинг араб тилидаги "Ал-Аълам" телеканалига берган интервьюсида Аҳмадинажод, жумладан, шундай деди:

— Эронга ҳужум қилиш ҳақидаги барча гаплар юртимизга қарши қаратилган психологик урушнинг бир қисми, холос. АҚШ ҳукумати бундай қадам ташлашга қодир эмас. Эроннинг ядро дастурини тўхтатишга "ички қарама-қаршиликлардан қийналаётган" Исроилнинг ҳам қурби етмайди.

Ноябрь ойининг бошларида Исроил мудофаа вазири ўринбосари Эфраим Сне Тель-Авив Эроннинг ядро дастурини тўхтатиш учун куч ишлатишга мажбур бўлиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас, дея баёнот берганди.

Америкалик машҳур журналист Сеймур Хершнинг ёзишича, Жорж Буш маъмурияти Эронга қарши ҳужум уюштириш эҳтимолидан воз кечмаган, шу боис АҚШ ва Исроилнинг хавфсизлик кучлари ушбу давлат ҳудудида қўпорувчилик фаолиятини олиб бормоқда.

ЯҚИН ШАРҚ



БМТ Бош Ассамблеяси 18 нафар тинч фуқаронинг ўлимига олиб келган Исроилнинг Газо секторини ўққа тутиш ҳаракатларини қоралади.

ХОЛИС ФИКР

МОЛИЯ

ИНСОН ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун

ФОТОЛАВҲА

Кейинги йилларда мамлакатимиз банк тизимида ҳисоб-китоб ишларини нақд пул муомаласисиз, яъни пластик карточкалар орқали амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Натижада кўплаб юридик ва жисмоний шахслар ушбу қулайликдан манфаатдор бўлмоқдалар. Бу борада АТ "Ўзсаноатқурилишбанк"и Фарғона минтақавий филиали жамоаси ҳам яхши тажриба орттирган. Айниқса, йирик саноат корхоналари билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнак олса арзигуликдир. Айни пайтда муомалага чиқарилган карточкалар сони 70 мингтага яқин, савдо марказларига ўрнатилган терминаллар сони эса 300 дан зиёдни ташкил этмоқда. Бевосита банк шохобчаларида 9 та терминал ва иккита банкомат ишлаб турибди. АТ "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан жорий йилнинг 3 июнь — 10 август кунлари ўтказилган VISA промоакциясидан сўнг пластик карточкаларга бўлган қизиқиш янада ортди. Ушбу акцияда фаол иштирок этиб, ғолиб чиққан Фарғона "Азот" ОАЖ ишчиси Худойберди Ҳайдаров оиласи билан Францияга бепул саёҳатга юборилди.

Насиба ИСМАТОВА, олган суратлар

ҚУЛАЙЛИК

Азиз юртдошлар!

«ПАХТА БАНК»дан

Сизлар учун янги имкониятлар!
«Пахтабанк» янги, қулай ва манфаатли

«Туҳфа» ҳамда «Адолат»

Муддатли омонат турларини таклиф этади. «Туҳфа» муддатли омонатини сақлаш муддати 2 ой бўлиб, фоизли даромадингизни олдиндан олиш имкониятига эгасиз.
«Адолат» муддатли омонатини сақлаш муддати 3 ой бўлиб, фоизли даромадингизни ойма-ой олиб борасиз.

Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади.
Омонатлар бадалининг энг кам миқдори - 50 000 сўм.

«Пахтабанк»нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.
Омонатга қўйган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишини техник жиҳатдан такомиллаштириш, фермер хўжаликлари фаолияти учун барча қулайликларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да давом этаётган "Uzbekistan Agromintecx Expo-2006" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослашган халқаро кўргазма-савдоси бунинг ёрқин мисолидир.

Ҳам сифатли, ҳам арзон

Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси

Унда хорижнинг кўплаб машҳур компаниялари технологиялари қаторида ўзимизда ишлаб чиқарилган ускуналар ҳам кенг намойиш этилмоқда.

— Кўргазмага заводимизда ишлаб чиқарилган бир қатор агрегат ва эҳтиёт қисмлар қўйилди, — дейди Тошкент агрегат заводининг техника бўлими бошлиғи Фозил Иброҳимов. — Улар ўзининг сифати ва нархининг арзонлиги билан фермерларга маъқул келди. Шу боис кўплаб шартномалар имзоланмоқда.

Завод ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш мақсадида хориждаги илғор турдош компаниялар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Италиянинг «Agrimondo» ва Франциянинг «Kuhn» фирмалари билан йўлга қўйилган алоқа яхши самара беряпти. Улар билан ҳамкорликда тайёрланган ShP 600 штангали пуркагич, тупроққа ишлов берувчи машина ва ўрим агрегатлари деҳқонларимизга маъқул келмоқда. Машина-ускуналар ишлаб чиқарилишида, аввало, юртимиз иқлим шароитининг ҳисобга олиниши истеъмолчилар талабини янада тўлароқ қондириш, маҳсулотларни рақобатбардош нархларда етказиб бериш имконини бермоқда. Кейинги икки йил давомида икки ярим мингдан ортиқ «ОВХ-600», «PPAES-4» русумли пуркагич ва сеялка ҳамда уч миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар сотилди. Ҳозир мамлакатимиз далаларида минглаб ана шундай техникадан самарали фойдаланилмоқда.

Масалан, «PPAES-4» сеялкаси — ўрта қаторли. У заводда яратилди ва синовдан муваффақиятли ўтказилди. Сеялка барча турдаги экинларни 50 сантиметрдан 90 сантиметргача қатор оралаб экади. Илгари фойдаланиб келинган турдош техникага нисбатан уруғликни уч баравардан зиёд тежаш имкониятига эга.

Заводнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланаётгани тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини кескин ошириш имконини бермоқда. Жумладан, яқинда Россиянинг «Аскон» фирмаси билан ҳамкорликда конструктор ва технологларнинг ишини осонлаштирадиган автоматлаштириш мажмуи ишга туширилди. Натижада маҳсулот чизмалари ва технологик жараён учун зарур ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни кескин қисқариб, сифати ошди.

РЕКЛАМАЛАР

ASR EKSPRESS MEDIA

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ, БИЗ КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙМИЗ!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 380-20-77, 79-28-71, 183-96-62, 130-70-82.

г.Ташкент, ул. З.Шамсутдиновой,45
Наши телефоны: 199-56-56, 103-20-42, 191-01-03, Факс: 390-54-50

DESK-INVEST
UZBEKISTAN-AUSTRIA

МЫ ВЫПУСКАЕМ:

МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦУ И ПРОФНАСТИЛ ЕВРОПЕЙСКОГО КАЧЕСТВА ИЗ РОССИЙСКОГО СЫРЬЯ

ВСЕГДА В ПРОДАЖЕ ЛИСТОВОЙ ЧЕРНЫЙ ПРОКАТ ТОЛЩИНОЙ 1.5-30 мм

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ BELARUS

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «БЕЛАРУС» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
Факс: 152-73-81.
Сайт: www.uzkam.com